Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН · 31 август 1971 йил сешанба · № 200 (15.070). · Баҳоси 2 тийин.

АБДУСАТТОР ҚУРБОНОВ 73 ТОННА ПАХТА ТЕРДИ

ШЕРОБОД. [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Ленин номли совхознинг машҳур механизатори, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Абдусаттор Қурбонов 28 август куни Сафоат Шукуров бошлиқ бригадада «Ўзбекистон» агрегати билан машина теримини бошлаб юборди. У дастлабки куниёқ 26 тоннадан зиёд пахтани «пўлат этак»дан тўкди. Теримга тушганидан бери ўтган уч кунда эса салкам 73 тонна пахтани бункердан бўшатди.

Совхознинг Б. Абдураҳмонов, А. Абдуллаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам машина терими жадал бошлаб юборилди. Мавсумда 400-500 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олган Эшмирза Пардаев, Жаҳонгир Хўжамқулов, Холбиби Ваҳобова, Тўхтамиш Ўтапўлатов, Омон Абраев, Адолат Ваҳобова, Собир Қорёғдиев ўртоқлар ҳам ўзлари бошқараётган «зангори кема»ларни пахтазор денгизига бурдилар. Уларнинг ҳар бири дастлабки куниёқ 12—17 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлдилар. Совхозда 1 сентябрдан элликта терим машинаси ишга тушиши кўзда тутилмоқда. 10 сентябрдан бошлаб эса хўжаликдаги 88 та агрегатнинг ҳаммаси пайкалда жавлон уради. Мавсумда 10 минг тонна пахтани бункерлардан бўшатиш мажбуриятини олган механизаторлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун мавжуд имкониятларни ишга солмоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ.

АЛМАШЛАБ ЭКИШ — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

АЛМАШЛАБ ЭКИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА СЕМИНАР-КЕГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРЧА ХОДИМЛАРИГА, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА МУТАХАССИСЛАРИГА, ФАН ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИГА

М У Р О Ж А А Т И

Азиз ўртоқлар! КПСС XXIV съезди мамлакат ишлаб чиқариш кучларини яна кучли даражада юксалтириш кенг программасини белгилаб берди. Съезд қарорларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни янада тезлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қилинган.

Янги беш йилликда мамлакатимизнинг пахтакорлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Партия съездининг Директиваларида 1975 йилга бориб пахта етиштиришни 7—7,2 миллион тоннага етказиш кўзда тутилган. Ана шу вазифани ҳал қилишда республикамизнинг пахтакорлари зиммасига алоҳида масъулият юкланади.

Ўзбекистон мамлакатимизнинг асосий пахта базаси бўлиб келган эди, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Республикамизнинг пахтакорлари пахта етиштиришни тобора кўпайтира бориш Ўзбекистон меҳнаткашларининг СССРдаги барча қардош халқлар олдидаги интернационал бурчи эканлигини эсда тутиб, ўзларининг азалий орзуларини амалга оширишга—1975 йилга бориб 5 миллион тонна пахта етиштиришга қарор қилдилар. Бу вазифа мураккаб, лекин бемалол амалга оширса бўлади.

Шу вазифани муваффақиятли бажармоқ учун қишлоқ хўжалигини интенсивлаш борасида бир қанча катта-катта тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини янада ривожлантириш, фан ва илғор тажриба ютуқларидан кенгроқ кўламда фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини бутун чоралар билан ошириш асосий ишлардан ҳисобланади.

Даставвал ердан фойдаланишда тегишли тартиб ўрнатиш, илмий асосланган алмашлаб экишларни жорий қилиш йўли билан ернинг унумдорлиги оширилишига эришмоқ зарур. Биз алмашлаб экишдан тўғри фойдаланган ҳолдагина пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олишимиз, далаларни вилт касаллигидан соғломлаштиришимиз, чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтиришимиз мумкин.

Фан маълумотлари ва илғор хўжаликларнинг кўп йиллик тажрибаси шуни яққол кўрсатадики, экинлар тўғри алмашлаб экилган ерларда энг мўл ҳосил кўтарилади, сув, минерал ўғитдан фойдаланишда, агротехниканинг бошқа усулларидан фойдаланишда катта самарага эришилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикада пахтачиликни янада ривожлантириш масалаларини кўриб чиққан XVII пленуми пахта билан бедани алмашлаб экишни ҳамма ерда тезроқ жорий қилмоқ зарурлигини кўрсатди.

Совет қишлоқ хўжалик органлари, республиканинг колхоз ва совхозлари пленум қарорларини бажара бориб, партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида экин майдонлари структурасини яхшилаш, беда экиладиган майдонларни кенгайтириш ва планли алмашлаб экишни ўзлаштириш учун шароитлар яратиш борасида муайян иш қилдилар. Бу йил республикада жами суғориладиган ерлардаги бедазорлар салмоғи қарийб 15 процентни ташкил этади, беда 340 минг гектардан зиёд майдонни эгаллади.

Пахта билан бедани алмашлаб экиш муваффақиятли суратда ўзлаштирилаётган колхоз ва совхозлар оз эмас. Шу билан бирга шуни ҳам айтиб ўтмоқ лозимки, буларнинг ҳаммаси биз шу беш йилликда амалга оширишимиз лозим бўлган катта ишнинг бошланишидир, холос.

Бугун биз республиканинг кўпгина хўжаликларида алмашлаб экишни амалий жорий қилиш юзасидан бажарилаётган ишлар қониқарсиз бўлаётганлигини таъкидлаймиз. Беда алмашлаб экиладиган майдонлардэ эмас, балки майда-майда участкаларда жойлаштирилаётган ҳоллар мавжуд. Беда ва бошқа ем-хашак экинлари тегишлича парвариш қилинмаяпти. Бир қанча жойларда беда қалинлиги пландагидек эмас, натижада экинларни алмашлаб бўлмаяпти, нуқул пахта экишга барҳам берилмаяпти. Кўпгина хўжаликлар беда уруғи ҳосил қилиш планларини йилдан-йилга бажармай келмоқда, янги ерларни ўзлаштириш, суғориладиган участкаларни текислаш ва йириклаштиришга доир топшириқлар плани барбод этилмоқда. Шуларнинг ҳаммаси алмашлаб экиш планли равишда ўзлаштирилишини ҳам тўхтатиб турибди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1970 йил 30 декабрдаги қарорида пахта билан бедани алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш юзасидан конкрет планлар белгилаб берилган. Ҳамма хўжаликлар бўйича беш йиллик муддат билан қишлоқ хўжалик экинларининг структураси белгилаб берилган, территорияни ташкил этиш ва ички хўжалик ер тузилиши муддатлари белгилаб қўйилди. Реал топшириқ ҳам тайинланган: 1975 йилга бориб республиканинг пахта комплексидаги ем-хашак экинзорлари 740 минг гектарга, шу жумладан бедазорлар 582 минг гектарга етказилмоғи керак.

Алмашлаб экиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши катта-катта янги ер массивлари ишга туширилишини ҳамда хўжаликлардаги қишлоқ хўжалик оборотидан тушиб қолган ва фойдаланилмаётган майдонлар ўзлаштирилишини талаб этади.

Шу беш йилликда давлат капитал маблағлари ҳисобига 465 минг гектар ерни, хўжаликларнинг маблағлари ҳисобига эса 50 минг гектар ерни ўзлаштириш мўлжалланади. 600 минг гектар майдондаги ернинг мелиоратив аҳволи яхшиланади, эскитдан экилиб келган 230 минг гектар ер яхшилаб текисланади, суғориш системалари реконструкция қилинади ва 750 минг гектар майдондаги далаларнинг сув билан таъминланиши кўпайтирилади.

Алмашлаб экиш экинларни навбатма-навбат экишнинг илмий асосланган системасидир. Алмашлаб экиш замирида юксак деҳқончилик маданияти, вилт касаллигидан холи бўлиш, пахта етиштиришни кескин равишда кўпайтириш, чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш йўли, яъни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши барча соҳаларини комплекс ривожлантириш йўли мавжуддир.

Биз, алмашлаб экиш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгашининг қатнашчилари қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига мурожаат қилиб, ҳар бир колхоз ва совхозда ўйлаб, конкрет шароитларни ҳисобга олиб, илмий ютуқлар билан илғор хўжаликларнинг тажрибасига суяниб алмашлаб экиш ўзлаштирилишини таъминлашга даъват этамиз. Шу билан бир вақтда биз ариқ-каналларни планли равишда сабот билан реконструкция қилиб боришимиз, экин карталарини йириклаштиришимиз, далаларнинг шаклини яхшилашимиз зарур. Биз шу ишларни бажо келтирмоқ учун ҳар бир хўжаликда ерларни текисловчи ва мелиорация қилувчи отрядлар тузилиши мақбул деб ҳисоблаймиз. «Узсельхозтехника» системасининг ходимлари колхоз ва совхозларга мана шу ишда зарур ёрдам бериб, уларни ер қазиш техникаси, запас қисмлар ва бошқа зарур машина-ускуналар билан таъминлашни яхшилайдилар, деб ишонамиз.

Биз сув хўжалиги, «Узсельхозтехника» ходимларига мурожаат қилиб, янги ерларни ўзлаштириш, ерларни яхшилаб текислаш, мелиорация холатини яхшилаш ва сув билан таъминланишини ошириш юзасидан режаланган ҳамма ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариб беришга даъват этамиз.

Биз илмий тадқиқот институтлари ва тажриба станцияларининг ходимларига мурожаат қилиб, ишлаб чиқариш билан алоқани мустаҳкамлашга, алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш ишида колхоз ва совхозларнинг мутахассисларига мунтазам равишда ёрдам бериб туришга, пахтанинг вилт касаллигига чидамли, сермаҳсул навларини чиқаришни тезлаштиришга, қўшиб экиш ва алмашлаб экиш технологиясини тезроқ ишлаб чиқишга, ем-хашак экинларининг энг серҳосил ва истиқболли навлари, дурагайларини етиштиришга даъват этамиз.

Биз, колхоз ва совхозлардаги далаларнинг асосий технологлари бўлмиш барча мутахассисларга мурожаат қилиб, деҳқончилик маданиятини барча чоралар билан юксалтиришга, агрономия фани байроғини баланд кўтаришга, алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштиришдек қийин ва олижаноб ишда, беда ва бошқа ем-хашак экинлари уруғчилигини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда, ем-хашак етиштиришни кўпайтиришдек қийин ва олижаноб ишда энг актив ва сабот-матонатли кишилар бўлишга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш ишининг ҳамиша пешқадамлари бўлишга чақирамиз.

Семинар-кенгашимиз мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олишдек катта ва масъулиятли давр арафасида ўтмоқда.

Биз қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига, дала меҳнаткашларига, «зангори кема» капитанлари—механизаторларга мурожаат қилиб, етиштирилган бутун ҳосилни нес-нобуд қилмай тез ва соз йиғиб-териб олмоқ учун юксак даражада уюшқоқлик кўрсатишга даъват этамиз. Беш йилликнинг биринчи йилида Ватанга камида 4 миллион 400 минг тонна «оқ олтин» беришдек юксак мажбуриятни муваффақиятли бажо келтирмоқ учун куч-қувватларимизни аямай ишга солайлик. Жонажон Коммунистик партиямиз XXIV съездининг тўққизинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигини янада жадал суръатлар билан ривожлантириш юзасидан белгилаб берган улуғвор режалари амалга оширилмоғи учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилайлик.

МУРОЖААТ АЛМАШЛАБ ЭКИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА СЕМИНАР-КЕНГАШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

МАШИНАЛАР СТАРТГА ТАЙЁР

ПАХТАЗОРГА ўзгача файз кирмоқда. Шода-шода бўлиқ кўсаклар бодроқдай очила бошлади. Илғорлар йиғим-теримга киришдилар. Сурхон — Шеробод чўлларида машина терими ҳам бошлаб юборилди. Кундан-кунга уларнинг иш унуми ошрилаётир.

Дастлабки тонналар тайёрлов пунктлари омборларига тўкиляпти. Лекин 4.400 минг тонналик хирмон учун жангу жадал энди бошланади. Бу ишда машиналар деҳқонга мададкор бўлади. Шу боисдан ҳам дала гвардиячилари пўлат отларини стартга тайёрлаб қўйишди. Ворошилов районидаги «Победа» колхозининг 674 тонна ўрнига 1450 тонна «оқ олтин»ни пўлат этаклардан тўкишга аҳд қилган механизаторлари ҳам терим машиналарни мавсумга шайлаб қўйишди. Юқоридаги суратда колхознинг бош инженери (ўнгдан иккинчи) И. Крапевко бир группа механизаторлар билан суҳбатлашяпти. Ўртадаги суратда механизаторлар тайёрлаш курсини тугатиб, Сирдарё районидаги «Правда» колхозида 100 тонна «оқ олтин» теришга сўз берган Қ. Абдуваҳобова рулда. Пастдаги суратда эса —«Ўзбекистон» агрегати бункеридан 480 тонна пахта тўкишга аҳд қилган Нарпай районидаги Калинин номли колхознинг донгдор механизатори, СССР Олий Совети депутати Б. Шовқиев ўз машинасини синаб кўряпти.

А. Тўраев ва М. Ғуломов фотолари.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ А. Н. КОСИГИН ЖАНОБЛАРИГА

Министрлар Советн Раиси жаноблари, яқинда Совет Иттифоқига қилган сафарим вақтида кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун менинг, шунингдек менга ҳамроҳ бўлган шахсларнинг самимий миннатдорчилигини қабул этишингизни сўрайман.

Шу йил апрель ойида Москвадаги суҳбатларимиз чоғида қараб чиқилган катта лойиҳани амалга ошириш истиқболлари билан Костомукш темир рудаси кони районида шахсан танишиб чиқиш имконияти берилганлигидан ғоят мамнунман. Шу сафарим вақтида мен тузилган лойиҳадаги имкониятлар ҳақида янада равшанроқ тасаввур ҳосил қилдим.

Лойиҳанинг муваффақият билан амалга оширилиши, ҳеч шубҳасиз, Финляндия — Совет иқтисодий алоқаларини янада ривожлантиришга кўмаклашади ва Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини янада кўпроқ кенгайтиради.

Карелия АССР да Ленинградда менга меҳмондўстлик кўрсатган ҳамма кишиларга ҳам миннатдорчилигимизни етказишингизни сўрайман.

Самимий ҳурмат билан

А. КАРЬЯЛАЙНЕН,

Финляндия Республикасининг Бош министри.

Хельсинки.

ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЧИЛИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Чили Республикаси миллий конгрессининг таклифига биноан СССР Олий Советининг делегацияси расмий дўстона визит билан 29 августда Москвадан Сантьягога жўнаб кетди.

Делегация составида СССР Олий Совети Президуми Раисининг ўринбосари, Украина ССР Олий Совети Президумининг Раиси А. П. Ляшко (делегация раҳбари), СССР Олий Советининг депутатлари — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, В. И. Ленин номли Магнитогорск металлургия комбинатининг директори А. Д. Филатов, Белоруссия ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Е. И. Скурко (Максим Танк), Москва областидаги Қизил Армия ва флот номли йигирув-тўқув фабрикасининг тўқувчиси Т. В. Никитина, Олмаота область Талгар районидаги Мичурин номли колхозининг раиси К. Абдуғулов бор.

(ТАСС).

ХИРМОНГА БАРАКА

ЖИЗЗАХ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Навоий номли колхознинг Ортиқбой Раҳматов бошлиқ бригадаси пахтакорлари областда биринчи бўлиб тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йили ҳосилини теришни бошлаб юбордилар. Бригада азаматлари йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб, далада мўл ҳосил етиштирдилар. Улар бу йил 110 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш юзасидан катта мажбурият қабул қилганлар. Пахта далаларида йиғим-терим қизғин тус олмоқда.

Районнинг бошқа хўжаликларида ҳам йиғим-терим бошланиб кетди.

Районнинг «Москва» ва «Зарафшон» колхозларида ҳам йиғим-терим бошлаб юборилди. Жиззахликлар бу йил она-Ватанга 50 минг тонна «оқ олтин» топширишга сўз берганлар. Бу юксак мажбурият сўзсиз бажарилади.

Т. ЖАМОЛОВ.

Капитал қурилиш ҳавозаларида

ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАР

Андижондаги 162-қурилиш трестининг бинокорлари қолоқликни бартараф этиш ва бир неча йиллик догни ювиш учун астойдил кураш бошладилар. Иморатсозларнинг бу юриши беш йилликнинг биринчи йилида муваффақият келтираётир.

Улар ички имкониятларни ишлаб чиқаришга тўла сафарбар этиб, қурилишни индустриал асосларга кўчира борганликлари туфайли йил бошидан бери 24424 квадрат метр уй-жой, 960 ўқувчига мўлжалланган мактаб, Ленинск шаҳрида 2000 абонементли алоқа уйини фойдаланишга топширилди. Бир қатор маданий-маиший объектлар қурилди. Пойафзал ремонт қилиш фабрикаси, чойхонаси билан 50 ўринли меҳмонхона, 3 километрли водопровод тармоғи, 15 километрли троллейбус линияси ана шу объектлардан ҳисобланади.

Илғор усулларнинг кенг жорий этилаётганлиги ютуқлар калити бўлаётир. Бу йирик қурилиш ташкилотида ҳозир барча объектларнинг 37 проценти йиғма темир-бетон конструкциялардан тикланмоқда. Уйларнинг сантехника хоналари уйсозлик корхонасининг ўзида йиғилиб монтаж қилинмоқда ва пардозланаётир. Бу эса иморатларнинг тез ва соз, арзон ва кўркам қурилишини таъминламоқда.

Барча йирик панелли уйларнинг ташқи деворлари уйсозлик камбинатида пардозли қилиб ишлаб чиқарилмоқда. Натижада иморатлар архитектура кўриниши кескин яхшиланди. Бундан ташқари уй-жой массивларининг эстетик чиройи очилди. Қурилиш материаллари комбинати коллективи бинокорларнинг баракали меҳнатига муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар қурилиш материаллари тайёрлашнинг янги усул ва технологик жараёнларини ўзлаштирмоқдалар. Яқинда корхонада ёғоч чиқиндилари ва қипиқларидан қурилиш материали сифатида фойдаланиш йўлга қўйилди. Натижада қипиқ ва ёғоч бўлакларидан плиталар ва эшиклар тайёрланаётир.

3-қурилиш бошқармасида линолеумни пайвандлаш усули қўлланила бошланди. Шу усул билан ҳозиргача 3500 квадрат метр линолеум полга тўшалди. Линолеум ёткизишдаги бу янгилик чиқинди чиқишини йўқотди ва уйлар полининг сифатини яхшилади. Айни шу кунларда қоришмага ва бетонга химиявий усул билан пластификатор қўшиш ўзлаштирилаётир. Бу тадбирнинг амалга оширилиши бетон мустаҳкамлигини ошириб, кўплаб цемент ва оҳакни тежаш имконини бермоқда.

Андижонлик қурувчилар сермеҳнат ишларни механизациялаштириш ва биноларнинг муддатидан олдин битказилишига имкон берувчи рационализаторлик таклифларини кўплаб ишлаб чиқаришга жорий этаётирлар. Йил бошидан бери 28 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди ва бундан 88 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилди.

Бинокорлар беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб ишлаб яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Мусобақада Р. Равин бошлиқ уйсозлик комбинати ва Жўрабой Раҳматуллаев бошлиқ қурилиш бошқармаси коллективлари олдинда бормоқда. Улар қурилиш-монтаж ишлари ойлик ва квартал планларини мунтазам ошириб бажараётирлар. Уйсозлик комбинати графикдан бир ой илгари ўзиб кетди. Улар яна пландан ташқари 32 хонали уйни қуриб битказдилар.

1-қурилиш бошқармасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғаффор Мирзалиев мастерлик қилаётган участкаси бутун трестнинг фахри ҳисобланади. Узган Салмонов, Рустам Раҳмонов, Иван Золотов ва Семён Балаевлар бошлиқ бригадаларнинг коллективлари ҳар куни планга қўшимча қурилиш ишларини бажариш ҳаракатини бошлаб бердилар.

— Ҳар соҳада тежамкор бўлишга жиддий эътибор бераяпмиз, — деди трест бошқарувчиси Тошбой Аҳмедов. — Яқинда маъмурий харажатларни камайтиришдан катта наф кўрдик. Планларни сурункасига бажармаётган ва зарар кўриб ишлаётган 4-қурилиш бошқармаси, пардозлаш участкаси ва моддий-техника таъминоти бошқармасини тугатиш ҳисобига 237 минг сўм маблағ иқтисод қилиб қолинмоқда.

Андижон қурувчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленумининг капитал қурилишни яхшилаш юзасидан белгилаган қарорини бажара бориб қурилишда бурилиш ясашга, йўл қўйиб келинган камчиликларни тугатиш чораларини кўришга киришдилар. Эндиликда капитал маблағлар ва ишчи кучлари ишга тушириладиган объектлар қурилишига сафарбар этилмоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш қурилиш таннархини арзонга тушириш учун маблағ ва материаллардан оқилона фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг ҳаммаси тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили планларини ошириб бажаришни таъминлайди.

М. НИЕЗОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

УСТАВ ТАЛАБИ — ҚОНУН

А. ХЎЖАЕВ,
Наманган область партия комитетининг биринчи секретари

Партия ташкилоти ўз сафига уюшган коммунистларнинг юксак ғоявийлиги, активлиги, ишчанлиги ва жанговарлиги билан кучлидир. Партия ташкилотлари жанговарлик қобилиятларининг ортиб бориши эса, коммунистларнинг ўз бурчларини — КПСС Устави талабларини оғишмай бажаришларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки улар коммунистик қурилиш соҳасида ўз олдиларига қўйилган бутун сиёсий ва ташкилотчилик ишларини коммунистлар актив иштирок этганларидагина муваффақиятли амалга ошира оладилар.

Шунинг учун ҳам КПСС XXIV съезди коммунистларнинг активлигини кучайтириш билан бирга, КПСС Программаси ва Устави талабларини бажариш учун уларнинг жавобгарлигини янада ошириш лозимлигини алоҳида уқтириб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида айтиб ўтганидек, **меҳнатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, ўқишда ҳам, турмушда ҳам — ҳамма вақт ва ҳамма жойда коммунист коммунистлигича қолиши, бизнинг ленинчи партиямизнинг аъзоси деган юксак номга муносиб бўлиши зарур.**

Партиямизнинг мақсадларини равшан англаган, унинг ғояларини чуқур ҳис қилган, унинг буюк яратувчилик ишини амалга ошириш йўлида ҳеч нарсани аямайдиган коммунист учун коммунистик ахлоқни, ғоявий софликни, партияга чексиз садоқатни ҳамма нарсадан юқори қўйиш табиий зарурат бўлиб қолади. КПСС Устави талабларини бажариш ҳар бир коммунист учун қонун эканлиги ана шундан келиб чиқади. Партия Уставида коммунистнинг зиммасига юклатилган вазифалар, унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ баён этилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи пленумида ҳам бошланғич партия ташкилотлари комунистларни КПСС Программаси ва Уставига қаттиқ риоя этиш руҳида тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари зарур эканлиги яна бир бор кўрсатиб ўтилди.

Наманган область партия ташкилоти КПСС XXIII съездидан кейинги даврда партия сафини ўстириш, унинг сифат составини яхшилаш, ёш коммунистларни тарбиялашни кучайтириш юзасидан бир қатор ишлар қилди. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг 1969 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг Устав талабларини бажариш, партия интизомини мустаҳкамлаш учун масъулиятларини оширишга эътиборни кучайтирдилар.

Партия ташкилотлари ёш коммунистлар билан ишлашни яхшилаш мақсадида, уларни КПСС Устави талаблари асосида тарбиялашга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Область партия комитетининг бюросида Наманган шаҳар партия ташкилотининг ёш коммунистлар билан ишлаш соҳасидаги фаолияти муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Бу қарордан барча район партия комитетлари ҳам ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олдилар.

Биз областда коммунистларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсишини ўрганганимизда шу нарса маълум бўлдики, кейинги вақтларда партия ташкилотларининг роли, обрўси, жанговарлик қобилияти, ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги анча ошган. Коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги аҳволи учун, ўз фаолияти ва хулқ-атвори учун масъулияти кучайган. КПСС XXIII съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотларининг роли ва обрўсини ошириш хусусидаги масаланинг область партия комитети бюроси мажлисларида ва партия йиғилишларида муҳокама қилинганлиги бунда катта роль ўйнаган.

Чунончи, яқинда область партия комитети коммунистларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида «Область партия ташкилотининг коммунистларни КПСС Уставида кўрсатилган вазифаларни бажаришдаги масъулиятини ошириш соҳасида олиб бораётган иши тўғрисидаги» масалани бюрода муҳокама этди ва тегишли қарор қабул қилди.

КПСС Уставида танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, камчиликларни дадил очиб ташлаш ва уларнинг бартараф қилинишига эришиш, танқидни бўғишнинг ҳар қандай кўринишларига кескин зарба бериш заруллиги алоҳида таъкидланган. Шуни назарда тутган ҳолда, коммунистлар партия йиғилишларида, бюро ва комитет мажлисларида партия-хўжалик раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаб боришга одатланмоқдалар. Бу — коммунистларнинг Устав талабларига қандай риоя қилаётганликлари устидан назоратни кучайтиришнинг таъсирчан ва энг мақбул формасидир.

Учқўрғон районидаги Ленин номли колхоз правлениеси кейинги пайтларда бир қатор камчиликларга йўл қўйди. Пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Правление раиси Х. Нишонов хўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилишни таъмин эта олмади. Албатта, колхоз коммунистлари бунга бефарқ қараб туролмадилар. Яқинда бўлиб ўтган партия йиғилишида Нишоновнинг раҳбарлик фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар ва уни правление раислиги вазифасидан бўшатишни колхозчиларнинг умумий йиғилишидан сўрадилар. Коммунистларнинг бу фикри колхозчилар томонидан тўла маъқулланди.

Партия аъзоси, — КПСС Уставида айтилганидек, **коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун кураш олиб бориши, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намунасини кўрсатиши, меҳнат унумдорлигини ошириши, ҳамиша янги прогрессив нарсанинг ташаббускори бўлиб чиқиши, илғор тажрибани қувватлаши ва ёйиши, техникани эгаллаши, ўз малакасини такомиллаштириши, совет Ватани қудрати ва равнақининг негизи бўлган ижтимоий социалистик мулкни сақлаши ва кўпайтириши лозим.**

Бу жиҳатдан партия ташкилотлари ҳар бир коммунистнинг КПСС Устави талабларини бажариши устидан назорат қилиб туришни кучайтираётганликлари яхши натижалар бермоқда. Чунончи, даҳлат «Сифат белгисини олишга муяссар бўлган Наманган химия заводининг партия ташкилоти коллектив ўртасида меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик вазиятини вужудга келтириб, ишлаб чиқаришни тобора ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва техника тараққиёти учун олиб борилаётган курашга моҳирлик билан бошчилик қилмоқда. Бу ерда НОТ институти Ўзбекистон бўлими билан ҳамкорликда меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ва ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш юзасидан комплекс план — тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар меҳнат унумдорлигини қарийб икки баравар ошириш имконини беради.

Областимиз коммунистлари юксак интизом ва масъулият намуналарини кўрсатаётганликлари туфайли халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини ривожлантиришда салмоқли ютуқлар қўлга киритиляпти.

Партия ташкилотлари пахтачиликни янада ривожлантириш, чорвачиликни рентабелли тармоққа айлантириш ташаббускори бўлмоқдалар, область меҳнаткашларининг тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун олиб бораётган курашига омилкорлик билан раҳбарлик қилаётирлар.

Эндиликда область колхозлари ва совхозларида ҳам чорвачиликни бошқаришда меҳнатни ташкил этишнинг янада такомиллаштирилган усули қўлланилмоқда. Дастлаб Учқўрғон районидаги Ленин номли совхозда қўлланилган бу усул областнинг барча хўжаликларида кенг жорий қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ленин номли совхоз коллективининг чорвачиликни янада ривожлантириш ва уни хўжалик ҳисобига ўтказиш юзасидан бошлаган ташаббусини маъқуллади.

Шу муносабат билан чорва ферма мудирлигига мутахассис кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш юзасидан катта иш олиб борилди. Эндиликда уларнинг тўртдан уч қисми олий ва қолганлари ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислардир. Яқинда область партия комитети чорвачилик фермалари бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинарини ўтказди. Унда чорвачиликка раҳбарликнинг янгича усули амалга оширилаётган шароитда цех партия ташкилотларининг вазифалари ҳақида батафсил гаплашиб олинди. Фермадаги касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда халқ контроли группалари роли ва масъулияти алоҳида таъкидланди.

Онда-сонда бўлса-да, коммунистлар ўртасида ҳали ҳам ўзига билдирилган юксак ишончни оқламайдиган, ўз вазифасини суиистеъмол қиладиган, Устав талабларидан чекинадиганлар учраб қолаяпти. Бинобарин, Уставда: **«Партия КПСС Программасини, Уставини бузувчи ва коммунист деган юксак номга ўзининг хулқ-атвори билан доғ туширувчи шахслардан ўзини ҳоли қилди»** деб ёзилган. «Гулбоғ» ишчилар кооперацияси правлениесининг раиси А. Абдуҳалилов ва Тўрақўрғон районидаги Шоҳанд қишлоқ Советининг раиси Б. Қаюмовлар ана шундай кишилардан бўлиб чиқди. Улар ўз вазифаларини суиистеъмол қилиб, коммунистга номуносиб ҳатти-ҳаракатлар қилганликлари учун ҳам партия сафидан чиқарилди.

КПСС XXIV съезди партия Уставига бошланғич партия ташкилотларининг барча лойиҳалаш ташкилотлари, конструкторлик бюролари, илмий-тадқиқот институтлари, ўқув юртлари, маданий оқартув ва даволаш муассасалари маъмуриятларининг фаолияти устидан контроль қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги қоидани киритди. Бу ўзгартиш партия ташкилотларининг ролини ва масъулиятини янада оширади. Бизнинг областимизда ҳам ана шундай ҳуқуққа эга бўлган бошланғич партия ташкилотларининг сони 304 тага кўпайди. Биз партия ташкилотларига берилган бу ҳуқуқдан тўла ва тўғри фойдаланишни ўргатишимиз ва партия ташкилотларининг ишини активлаштиришимиз лозим.

КПСС Устави ҳар бир коммунистдан партия сиёсатини кун сайин оммага тушунтириб боришни, партия билан халқнинг алоқасини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга ёрдам беришни талаб қилади. Шу билан бирга коммунистга ўз сиёсий билимини кун сайин ўстириб бориш вазифасини ҳам қўяди. Бинобарин, область коммунистлари ўз сиёсий билимларини партия маорифи шохобчаларида ва сиёсий ўқишнинг турли йўллари билан ошириб бермоқдалар.

Область партия комитети ҳузурида раҳбар ходимларнинг назарий семинари ишламоқда. Унда партиянинг ҳозирги даврдаги иқтисодий сиёсати ва уни амалга ошириш йўллари ўрганилмоқда.

Наманган область партия ташкилоти ўзининг бутун эътиборини область меҳнаткашларини КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашга сафарбар этади, коммунистларга Устав талабларининг сўзсиз бажарилишига эришиш мақсадида талабчанликни янада кучайтиради, янги беш йиллик план топшириқларининг муддатидан илгари ҳамда ошириб бажарилиши учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўради.

Янгийўл пойафзал фабрикаси коллективи ҳом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор беради. Йилига тежалган чармдан юзлаб жуфт пойафзал тикилмоқда. Суратда: фабрикининг бичиқчиси Мактуба Шоназарова. У пойафзал бичаётганда ҳом ашёнинг беҳуда сарф бўлишига йўл қўймайди.

Чирчиқдаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг коммунистик меҳнат зарбдорлари слесарь Н. Шинкаренко ва асбобсозлик цехи бригада бошлиғи А. Махоркин беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан олдин бажариш учун бошланган социалистик мусобақага карвонбошилик қилаётганлардан.

И. Глауберзон фотолари.

ҚИРҒИЗИСТОНДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Капитализмни четлаб ўтиб, социализм қурган Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон халқлари ижтимоий тараққиётининг тарихий қонуниятлари ва хусусиятларини очиб бериш Қирғизистонда ўтказилаётган халқаро аграр семинарнинг асосий мавзуларидан бири бўлиб қолди.

Семинар иштирокчилари — социалистик мамлакатлар — Болгария, Вьетнам, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Монголия, Чехословакия ваниллари Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилиндилар. Марказий Комитетнинг биринчи секретари Т. Усубалиев дўстона суҳбат давомида республикада иқтисодий ва маданий қурилиш тўғрисида, Қирғизистон меҳнаткашлари КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорларини қандай амалга ошираётганликлари ҳақида гапирди.

Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги 29 мамлакат намояндалари Осиё ва Африка мамлакатлари биродамлиги ҳамда тинчликни ҳимоя қилиш Қирғизистон республика комитетларининг активлари билан учрашдилар.

Халқаро семинар иштирокчилари ТАСС мухбирлари билан суҳбатда ўз таассуротларини ўртоқлашиб, қуйидагиларни маълум қилдилар:

— Совет Шарқидаги республикаларнинг эришган муваффақиятларига қойил қолмасдан бўлмайди. Бу республикаларда экономика билан маданият уйғун ривожланмоқда, деди Андхра Шаҳри (Ҳиндистон) университетининг профессори Гогула Партҳасаратхи. — Аграр деҳқонлар масаласи сингари улнан бир масалани бирон-бир буржуа демократик революцияси ҳал қила олмайди.

Цейлон парламентининг аъзоси Диссанаяке Жайаратне бундай деди:

— Қирғизистондаги семинарда биз кўпгина ибратомуз нарсаларни билиб олдик. Уз юртимга қайтиб боргандан кейин парламент аъзоси сифатида мен кўрган энг яхши ишларни ўз ватанимда ҳам амалга ошириш учун мумкин бўлган ҳамма ишни қиламан.

АХБОРОТ

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

МЕХАНИЗАТОРНИНГ ДИПЛОМИ

Бобошер механизаторлик касбига меҳр қўйганлардан. У 13 йилдирки, «зангори нема»си билан пахта далаларида жавлон урмоқда. Пўлат от суворийси ўтган йили «Ўзбекистон» марнали агрегати билан 400 тоннага етказиб «оқ олтин»терган бўлса, бу йилги мажбурияти яна ҳам катта.

Нарпайлик донгдор механик-ҳайдовчи Б. Шовхиев ўз малакасини тинмай ошириб келмоқда. Коммунист пахтанор ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Самарқанд қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумини муваффақиятли тугатди. Унинг. «Нарпай районидаги Калинин номли колхозда пахтачиликни комплекс механизациялаштириш самараси» деган мавзудаги диплом иши юқори баҳоланди.

А. ИМОМОВ.

ГЎЗАЛЛИК САЙИЛИ

Анвойи гуллар, сўлим ҳиёбонлар шаҳри Наманганда гўзаллик шайдоларига бағишланган оммавий сайиллар ўтказиш анъанага айланган. Гўзаллик рамзи гулга бағишланган байрамда бу safар корхона, муассаса ва ўқув юртларидан қарийб 85 коллектив иштирок этди. Шаҳарнинг А. С. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган сайил иштирокчиларидан 12 коллектив боғбон-гулчиларининг ишлари эътиборга лойиқ деб топилди. Янги нав гуллар етиштиришда ғолиб чиққанлардан бир группасига Москвада ўтказиладиган «Қовун сайили»да иштирок этиш учун йўлланма берилди.

Ҳ. БОТИРОВ.

«САЛОМАТЛИК» РАДИОЖУРНАЛИ

Хўжайлилик радио тингловчилар ҳафтанинг душанба кунини зориқиб кутадиган бўлишди. Район радиоэшиттириш редакцияси томонидан уюштирилган «Саломатлик» журнали эшиттиришлари берила бошлангани ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Киши соғлиғи, турли касалликлардан сақланишга бағишланган мавзудаги қизиқарли суҳбатлар кўпчиликнинг диққатини тортаётир.

Р. НОҲОТОВ.

ПУНКТ ТАЙЁР

Пахта далаларида айни долзарб кунлар бошланиш арафасида. Булунғур районидаги «Красногвардеец» пахта пункти коллективи ҳам граммлаб терилган «оқ олтин»ни қабул қилиб олишга пухта тайёргарлик кўрди. 45 та пахта қарамлаш майдончаси тартибга келтирилди, 13 транспортёр ва бир қанча тарози барвақт ремонтдан чиказиб қўйилди. Шунингдек, 233 дона бризент, 10 минг донадан кўпроқ этан келтирилди. Енгинга қарши турли воситалар ҳам муҳайё қилинган.

А. СУЮНОВ.
Самарқанд области.

ОДАТ, АХЛОҚ ВА ОДОБ

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

Маълумки, ҳар бир ниши турмуш шароити ва муайян ахлоқ таъсирида таркиб топган ички ҳис-туйғу билан ҳаракат қилиб, жамиятда ўзини турлича тутади. Жамоатчилик фикри уларнинг бундай ҳатти-ҳаракатлари сабабини яхшилик ва ёмонлик, ҳақ ва ноҳақлик нуқтаи назаридан аниқлаб, унга баҳо беради.

Жамоатчилик фикрининг муҳим хусусияти шундаки, у катта-катта группаларни ташкил этган кишиларнинг манфаатларини, эътиқод ва ҳис-туйғуларини ўзига қамраб оладиган ҳаммани ва ҳар бир кишини чуқур ҳаяжонга, ташвишга соладиган муҳим ҳодисалар ва жараёнларга бўлган муносабатни ифодалайди. Фикр ҳамма вақт ўзида кишиларнинг манфаатларига тааллуқли масалаларга бўлган муносабатни акс эттиради. Зотан, булар шундай масалаларки, уларни амалий тарзда ҳал этмоқ керак. Агар бу масалалар бевосита ҳал этишни талаб қилмаганида эди кишиларни ҳаяжонлантирмаган, кенг мунозаралар ва фикрлар курашига сабаб бўлмаган бўлур эди. Жамоатчилик фикри учун эса худди мана шу нарса характерлидир, чунки у кенг мунозара ва муҳокамалар ҳамда турли хил нуқтаи назарларнинг курашида жараёнида туғилади.

Хўш, жамоатчилик фикрининг кучи нимада? Унинг тарбияга қандай алоқаси ва таъсири бор?

«Тарбия, — деб ёзган эди рус педагоги В. Ф. Одоевский, — биргина ақл ўргатишдангина иборат эмас, балки у дил-фаросат ўргатишдан, яна ҳам муҳимроғи ахлоқ ўргатишдан иборатдир». Дарҳақиқат, ахлоқий тарбиянинг мақсади — илғор инсонни, унинг характерини, эътиқодини интизом нормаларини тарбиялашдан, шакллантиришдан иборат. Шундай экан, кишилар фикрининг жами бўлган жамоатчилик фикрининг тарбияга таъсири бениҳоя каттадир. В. И. Ленин, жамоатчилик фикри кишиларнинг ҳаёти ва ҳатти-ҳаракатларида барча соф, олийжаноб, ватанпарварлик ҳисларини пайдо қилиш, қувватлаш ва рағбатлантириш ҳамда капитализмдан мерос бўлиб қолган барча иллатларни кескин қоралаши ва тантомири билан йўқотиши керак, деб ҳисоблар эди. Чунки ахлоқни қўриқлашда жамоатчилик фикри кучидан бўлак ҳеч қандай алоҳида куч йўқ. Жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши, маъқуллаши ёки қоралаши ҳар бир киши учун натта аҳамиятга эга. Фактларга мурожаат этайлик: Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги Янгишаҳар маҳалласида ахлоқка зид ҳатти-ҳаракат қилган шахслар тез-тез жамоатчилик муҳокамасига қўйиб турилади. Маҳаллада обрўли, тажрибали пенсионер отахонлардан, билимли илғор ишчилардан ташкил топган турли советлар иш олиб боради. Тўрт мингдан зиёд киши яшайдиган бу маҳалла комитети ишида 90 коммунист, 156 комсомол, 95 пенсионер, 45 падагог, 14 фан кандидати фаол қатнашмоқда. Бу ҳол маҳаллада ёшлар ва болалар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Маҳалла аҳолиси орасида жанжалкаш ахлоқбузар кишилар ҳамда онлабузарларнинг ишларини муҳокама қилиш мақсадида қатор йиғилишлар ўтказилди. Ҳар бир йиғилиш пухта ўйланган, бамаслаҳат, кўпчиликнинг фикрини одилона ҳисобга олган ҳолда ўтгани учун тарбиявий аҳамияти катта бўлди.

Айни пайтда жамият аъзолари устидан мунтазам назорат қилиб туришнинг қудратли воситаси бўлган жамоатчилик фикрининг кучи билан доимо ҳисоблашилляпти, деб бўлмайди. Бу ҳол, айниқса, эски урф-одатларда, тўй-ҳашамларда яққол кўринмоқда. Шу кунларда юртимизда нима кўп — тўй кўп. Биз тўйлардаги катта ҳаражату, ортиқча исрофгарчиликлар устида фикр юритмоқчи эмасмиз: Тўйларимизга бир йилчадан буён оралаб қолган, ҳозирда тобора кўпроқ ўрнашиб олаётган нарсага жамоатчилик диққатини тортмоқчимиз. У ҳам бўлса тўйхоналарга тўй бошланишидан 6.7 соат илгари бир неча кишининг иштирокида ўрнатилаётган товушни баландлаштириб берувчи асбоб-усилителлардир. Асаббузар бу асбобни ўрнатмасдан ҳеч кимнинг тўй қилгиси келмай қолди. Ахир, тўйни тантанали, чиройли эсда қоларли қилиб ўтказиш учун етти маҳаллага жар солишнинг нима ҳожати бор? Ортиқча шовқин-суроннинг инсон саломатлигига унинг асабига салбий таъсирини шифокорларимиз аллақачон аниқлашган.

Биз тўйларга қарши эмасмиз. Тўйлар фаровон, тинч ҳаётимиз меваси, албатта. Лекин тўйхоналарни ичкилик ичиб маст бўладиган, турли бемаъни қўшиқлар, сўзлар айтадиган даргоҳга айлантирмаслигимиз керак. Янги шаҳар маҳалла комитети бу борада ҳам ажойиб ташаббус бошлади. Агар тўй эгаси столга ичкилик қўйса маҳалланинг катта составдаги активларининг ҳаммаси тўйхонадан шу заҳотиёқ чиқиб кетишади. Ана шунинг учун ҳам бу маҳаллада тўйлар ичкиликсиз тинч ва чиройли ўтмоқда. Бошқа маҳаллалар ҳам янгишаҳарлиларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватласалар мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шуни унутмаслик лозимки, ахлоқ жамоатчилик фикри томонидан ҳимоя қилиниши туфайлигина таъсирчандир. Ҳаёт ана шу қудратли воситадан ҳар доим тўғри ва ўринли тарзда фойдаланишни тақазо этади. Сиз билан биз ҳам жамият аъзоси бўлганимиз сабабли, тараққиётимизга ҳалақит берадиган иллатларга қарши ўт очувчи жамоатчилик фикрига ўз овозимизни қўшишимиз лозим.

Э. САЛИМОВА,
фалсафа фанлари кандидати.



Андижон машинасозлик заводининг илғор ишчиси Г. Захарова доимо смена топшириқларини 170-180 процентдан адо этиб келади.

А. Тўраев фотоси.

ОТАХОН — МИНБАРДА

Энг яхши лекторларимизнинг

— «Билим» жамиятининг аъзоси Абдулла Раҳмонов «Тўққизинчи беш йиллик план — коммунизм қурилишида янги муҳим босқич» деган мавзуда лекция ўқийди.

Бу эълонни қишлоқдаги кексаю-ёш барча мамнунлик ва қониқиш билан кутиб олди. Негаки, лектор Абдулла отани танимаган — билмаган киши Хивадагина эмас, балки бутун Хоразмда ҳам деярлик йўқ. Унинг сухбатида бир марта бўлган киши яна ҳамсуҳбат бўлгиси, бир бор лекциясини тинглаган киши яна тинглагиси келади. Чунки Абдулла ота сўз санъатининг чинакам устаси. У тушунарли, равшан ва жонли қилиб гапиради, кишилар қалбига йўл топа билади.

Ҳамма вақт бўлганидек, Абдулла ота бу галги лекцияга ҳам қунт билан, пухта тайёрланди. Асосий материални — СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезданинг Директивларини дастлаб ўзи чуқур ва атрофлича ўрганди, нихчамгина конспект ҳам тузиб олди.

Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 — 1975 йиллардаги вазифаларини барча соҳалар бўйича қисқача характерлаб, кўпгина рақамларни таҳлил қилиб берди. Иттифоқдош республикалар ва мамлакатнинг иқтисодий районларини хўжаликларини янада ривожлантириш ҳақида гап борганида, лектор республика ва Хоразм областига тааллуқли режаларга кенгроқ тўхталди.

— Янги беш йиллик планга мувофиқ, Туямўйин гидроузелини қуриш жадаллаштирилади, Хивада гилам комбинати, Урганчда мой-экстракция заводи, пиллакашлик фабрикаси ва бошқа бир қанча корхоналар ишга туширилади.

Кейинчалик қизғин саволжавоблар жараёнида беш йиллик планнинг мамлакат экономикасини янада ривожлантириш ва халқ фаровонлигини янада ошириш соҳасидаги аҳамияти ҳаётий фактлар асосида ёркин очиб берилди. Лектор Туямўйин гидроузелини, янги саноат корхоналарини барпо қилиш Хоразм области олдида янги истиқболлар очиб беражагини таъкидлаб, қизиқарли фактлар ва рақамларни мисолга келтирди. Сўнгра колхознинг беш йиллиги, пахтачилик ва бошқа тармоқларнинг равнақ йўли, қишлоқнинг келажаги тўғрисида саволлар берилди. Лекциянинг охири жонли сухбат ва ўзаро фикр олишувни эслатарди.

Хива районидаги «Партия XXII съезди» колхозида ўқилган бу лекция ҳаммада унутилмас таассурот қолдирди. Абдулла ота тўққизинчи беш йиллик план юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари мазмунини меҳнаткашлар онгига етказиш мақсадида колхозлар, корхоналар ва қурилиш бошқармаларида ўқиётган мазмундор лекцияларнинг ҳар бири тингловчиларнинг катта қизиқишига сазовор бўлмоқда.

Абдулла ота Раҳмоновнинг лекторлик маҳорати — кўп йиллик тажриба ва чуқур билимнинг маҳсули, ўз ғоявий-сиёсий билимини ошириш устида тинмай ишлашнинг натижасидир. У 1930 йилдан КПСС аъзоси. Ўқитувчилик фаолиятига қарийб ярим аср тўлган. Ҳозир республика миқёсидаги шахсий пенсионер бўлса ҳам, Хива шаҳридаги ишчи-ёшлар мактабида директор бўлиб ишлаяпти. Айни вақтда «Билим» жамиятининг аъзоси ва Хива район партия комитетининг штатсиз лектори сифатида жўшқин фаолият кўрсатаётир. Абдулла ота илмий-атеистик ва педагогикага оид мавзуларда ўқиган таъсирчан лекциялари билан ҳам тингловчиларнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган. Шу билан бирга, партия ва ҳукумат қарорларини, энг муҳим сиёсий ҳужжатларни оммага тушунтиришда ҳозиржавоблик, ташаббус кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Абдулла ота Раҳмонов учкам етмиш ёшда бўлса ҳам ҳали бардам, сергайрат. Актив жамоатчи, ёш лекторларнинг мураббийси, устоз сифатида ўз тажрибаларини ёшларга ўргатишда вақтини аямайди. Йиғилиш ва семинарларда қизиқарли докладлар билан чиқиб туради.

Идеология фронтининг отасининг жангчиси, олов қалб коммунист Абдулла ота ўзининг ғўзал фазилатлари, турмушда ва онлада ҳалоллик, поқиза ахлоқ намуналарини кўрсатиши билан ҳам барчанинг иззат-ҳурматига мушарраф. Бу онлада олий маълумотли инженер, врач, ўқитувчи бўлиб етишган ўнга яқин фарзанд ва келинлар ахилликда истиқомат қилишяпти. Абдулла ота ва унинг турмуш ўртоғи Уллибиби она фарзандлар камолоти учун озмунча меҳнат сарфлашмаган. Онлада тўрт киши Ленин юбилейи медали билан тақдирланганлиги фарзандлар эл ишончини оқлашаётганлигидан дарак беради.

Абдулла отага бардамлик, лекторлик фаолиятида муваффақият тилаймиз.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Янги ўқув йили олдидан Тошкент шаҳрининг кўпгина районларида янги мактаб бинолари қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Минглаб ўқувчилар ёруғ ва шинам хоналарда таҳсил кўришади. Шуниси қувонарлики, янги мактаблар қошида спорт заллари, физика-химия ва бошқа фанлар бўйича кабинетлар ишга туширилмоқда. Мактаб ўқувчиларининг контингенти ҳам ортиб боряпти. Бу эса синф хоналарининг кенгайишини тақозо этмоқда. Суратда: (чапдан) 121-мактабнинг умумий кўриниши. А. А. Қазаков номидаги бу умумтаълим меҳнат политехника мактаби Ленин районида қурилди, (ўнгда) мазкур мактаб синф хоналаридан бирининг кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.

Ем-хашак жамғариш ойлиги давом этмоқда

СЕНАЖ КЎПАЙМОҚДА

Бу йил чорвадорнинг ҳам ташвиши кўп. Нега десангиз, баҳорда ёғингарчилик жуда кам бўлди. Далаларда истаганча ўт-ўланлар ўсмади. Ўсганлари ҳам ёзнинг жазирамасида қовжираб кетди. Чорвадор олдида энг муҳим ва масъулиятли вазифа — у ҳам бўлса моллар учун қишга етиб ортадиган миқдорда ем-хашак жамғариш вазифаси турибди. Буни бажармоқ учун, биринчидан, суғориладиган ерларда маккажўхори ва беда майдонларини кенгайтириш, иккинчидан, дала-даштдаги хашакни нобуд қилмасдан жамғариб олиш зарур бўлиб қолди. Шундай қилиняпти ҳам.

Биз 517 гектарлик эски бедазор билан қаноатланиб қолмадик. Яна 300 гектар майдонга беда экдик. Шундай қилиб, бедазорларимиз 817 гектарга етказилди. Уни агротехника муддатларида парвариш қилдик, озиқлантирдик, суғордик. Натижада мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдик. Биринчи ўримда ҳар гектар ердан 30 центнердан, иккинчи ўримда — 24 центнердан беда пичани олдик. Учинчи ўримда ҳам гектар бошига камида 23 центнердан пичан тайёрлаймиз. Хуллас, ҳар гектар майдондан 100 центнердан беда пичани оламиз. Бунинг учун беда камида тўрт марта ўрилади.

Бундан ташқари бедадан ва бошқа хил ўт-ўланлардан сенаж бостиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Ҳозиргача 290 тонна сенаж бостириб қўйдик. Ем-хашак жамғаришга ихтисослаштирилган 2 та бригаданинг барча ишчи кучи ҳамда транспорт воситалари сенаж ҳозирлашга тўла-тўкис сафарбар этилди. Тағин 300 тонна сенаж бостирамиз. Бу билан сенаж траншеялари бири-бирига туташиб, уларнинг сони янада кўпаяди. сенажга сенаж қўшилади. Мақсадимиз чорва моллар учун бир ярим йилга етадиган миқдорда озуқа базаси вужудга келтиришдан иборатдир. Бунга эришиш учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

У. САМИЕВ, Ҳ. АҲМЕДОВ,
Сирдарё область, Ворошилов районидаги «Социализм» совхози ем-хашак тайёрлаш бригадалари бошлиқлари.

ШОЛИКОРЛАР ШИЖОАТИ

Давлатга 10 минг тонна шоли етказиб берилади ◆ Ҳосилнинг 90 проценти механизмлар воситасида ўрибянчилади ◆ Ўримда 75 та агрегат ишлайди ◆ Гектаридан 60 центнердан уруғлик шоли олинади.

Совхозимиз бўз ва партов ерларда ташкил этилган. Илгари бу ерларда одам юришга ҳайиқар эди. Қақраб ётган саҳро ўз бойликларини пинҳон сақлаб келганди.

Биз ана шу кимсасиз ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритишга қарор қилдик. Шу мақсадда янги ерларни ўзлаштириш ишларини бошлаб юбордик. Ер ўттиз беш сантиметр чуқурликда ҳайдаб шудгор қилинди, ариқ-зовурлар қазилди, коллектор-дренаж тармоқлари қурилишига киришилди. Айни вақтда зарур миқдорда минерал ўғитларни ташиб олдик. Шундай қилиб ер экишга тайёрланди.

Мутахассислар, тажрибали деҳқонлар билан маслаҳатлашиб янги ўзлаштирилган ерларга шоли экишни лозим топдик. Лекин дастлабки йили етиштирилган ҳосил кўнгилдагидек бўлмади. Кўзланган ҳосил олинмади. План бажарилмасдан қолди.

Бундан баъзилар иккиланишди. Орий ва серўт ерда шолидан кутилган ҳосилни олиб бўлмайди деганлар ҳам топилди. Аммо, кўпчилик ўзиникида турди: шоли экишни дадиллик билан давом эттираверишимиз керак, бунинг учун ерни яхши ишлаш, экинни маромида суғориш, бегона ўтлардан тозалаш ҳамда механизацияга таяниб иш кўриш зарур, деган хулосага келдик. Шундай қилдик ҳам. Ерни оби-тобида ишладик. Натижада 1968 йили ҳар гектар майдондан пландаги 27,4 центнер ўрнига 30,5 центнердан шоли топширдик. Ҳар бир центнер шолининг таннархи 25 сўм-у, 56 тийинга тўғри келди. Аввалги йиллари даромадимиз буромадни ҳам қопламаган бўлса, эндиликда шолидан бир неча ўн минг сўм соф фойда олдик. Одамларнинг иш ҳақи ҳам ошди.

Ўша йилдан бошлаб ишларимиз юришиб кетди. Бўз ва партов ерлар ўз хазиналарини деҳқонга инъом қила бошлади. Комплекс механизация ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги шарофатидан ҳосилдорлик бирдан кўтарилди. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 34,8 центнердан шоли етиштирилишига муваффақ бўлдик. Давлат планинигина эмас, социалистик мажбуриятимизни ҳам ошириб адо этдик. Ўнлаб бригадалар бир йил ичида ҳосилдорликни 8-10 центнерга кўпайтирдилар.

Бу йил баҳорда об-ҳаво анча инжиқ келди. Автоном республикада ёғингарчилик кам бўлди. Ёзда эса сув танқис бўлди. Шунга қарамасдан, баҳорда шолини агротехника муддатларида қисқа вақтда экиб олдик. Гектарларда ниҳолларнинг тўла бўлишига эришдик. Шоли парвариши маромида ўтказиляпти. Ҳозиргача икки марта комплекс парваришдан чиқарилди. Шолизорларни озиқлантириш, бегона ўтлардан тозалаш ва суғориш каби тадбирлар бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда.

Шу кунларда далаларда қайноқ меҳнат ҳукм сурмоқда. Экинни парвариш қилишни сира бўшаштирмасдан ҳосилга-ҳосил қўшмоқдамиз. Шолининг серҳосил бўлиб ўсиши устидан агрономлар назорат ўрнатишган.

Совхозимиз ишчилари механизаторлар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки босқичида 2500 гектар майдондан камида 10 минг тонна шоли етиштиришга сўз беришган. Далаларда қилинаётган ишларимизнинг мазмуни ҳам ана шунга қаратилган. Жечай Хўжаев бошлиқ иккинчи бўлим, Жақсилиқ Муродбоев бошқарувчилик қилаётган учинчи бўлим, Сарсенбой Назарбоев бошлиқ тўртинчи бўлим ишчилари ҳосилдорликни гектар бошига 45-50 центнерга етказиш учун астойдил курашаётирлар.

Бундан ҳам мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилган коллективларимиз бор. Масалан, Убайдулла Сейдуллаев, Нуримбет Тожибоев, Давлатбой Қурбоналиев, Абдуҳолиқ Сарсенбоев, Матниёз Полвонов, Сатқанбой Мехтеков ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 55-60 центнердан ҳосил кўтариш ҳис-туйғуси билан меҳнат қиляпти. Бу бригадаларнинг далаларида етиштирилган ҳосил мўлжалдагидан ҳам кўп.

Биз айниқса уруғлик шоли етиштиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Шу мақсадда ихтисослаштирилган уруғчилик бригадалари ташкил этганмиз. Ана шу коллективларга ишнинг кўзини биладиган, тажрибали шоликорлар бошлиқ қилиб тайинланган. Жалгас Алауддинов, Султонбой Болгабоев, Адольф Ли, Қурбонбой Бекбўсинов ўртоқлар бошлиқ уруғчилик бригадалари гектаридан 60 центнерлик марраии кўзлаб ишлашяпти. Улар етиштирган уруғликдан келгуси йили хўжалигимиздан ташқари бошқа совхозларда ҳам фойдаланилади.

Шоли ўриш ва янчиш ишларини механизациялаштириш учун тайёргарлик ишларини ҳар қачонгидан ҳам қизитиб юбордик. Ўрим-йиғимда 75 та жатка ва комбайн қатнашади. Тағин 4 та комбайн сотиб олдик. Ўрим-агрегатлари механизаторлар билан тўла таъминланган. Техника ремонтида 70 киши иштирок этиб, бу ишни ўз муддатида сифатли тугаллади. Хуллас, бу йилги ҳосилнинг 90 процентини техника ёрдамида ўриб-янчиб олиш учун нимаики зарур бўлса, барчасини тахтлаб қўйдик.

Ўрим-йиғимга тайёргарлик билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирлар ҳам ўз вақтида амалга оширилди. Янги ҳосилни ташиш учун автомашиналар ва тележкалар ажратилиб, улар ҳам сифатли ремонтдан чиқарилди. Ҳар бири 10 тонналик 2 та автотарози шай қилиб қўйилди. Омборлар ҳозирланди.

КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаб меҳнат қилаётган коллективимиз бу йилги ҳосилни қисқа муддатларда саранжом-саришталаб олади, мамлакатга камида 10 минг тонна шоли етказиб беради. Шу кунлардаги меҳнат кўтаринкилиги бундан далолат бериб турибди.

К. САҒИНДИҚОВ,
Қорақалпоғистон АССР Ленинобод районидаги «Партия XXII съезди» совхозининг директори.

ҲАВАСКОРЛАР ШЕЪРЛАРИНИ ЎҚИБ...

ИЖОД — МЕҲНАТ ДЕМАК

Кейинги ўн куннинг ўзида редакциямизга ҳаваскорлардан саксонга яқин шеър келди. Уларнинг авторлари билан қизиқамиз. Кўпчилиги ёшлар: студентлар, ўқитувчилар, колхозчи ва ишчи йигит-қизлар.

Бу табиий нарса. Ёш қалб ҳамма нарсага завқ ва эҳтирос билан қарайди, жамики эзгу нарсалардан тўлқинланади. Ундан олган таассуротларни шеърда ифодалашга мойил бўлиб туради. Қўлимиздаги шеърий машқларнинг аксарияти муҳаббат мавзуида экани ҳам буни кўрсатиб турибди.

Талайгина шеърларни кўздан кечириб, шундай хулосага келдикки, уларнинг авторлари ижодкор зиммасига қўйилган масъулиятни бир қадар ҳис қилиб, дурустроқ гап топишга уринадилар. С. Воҳидов, Д. Машарипов, Д. Саъдуллаева, Отабек, А. Каримов, Р. Иминов, Т. Тошева сингари қатор ҳаваскорларнинг шеърларида биз ана шундай фазилатларни кўрдик. Улар шеър устида бирмунча жиддий меҳнат қилаётганликлари сезилиб турибди.

Лекин, шеърий машқларни назардан ўтказаётганда, талайгина ҳаваскорлар шеър ёзишни оҳангдош сўзларни тизиб ташлашдан иборат деб билишлари сезилиб қолади. Улар сўзларни жуфтлаштириш билан шу тариқа шеър ёзиб ташлайверадилар. Афтидан, бу ҳаваскорлар шеърият олдига қўйилган бош вазифа — унинг даъват кучи, жанговарлиги, таъсирчанлиги, қолаверса, киши қалбида эзгу-ҳис-туйғулар уйғотиб уни яшаш ва курашга руҳлантирувчи сеҳри ҳақида дурустроқ тасаввурга эга эмасга ўхшайдилар. Мана шунинг оқибатида уларнинг сатрлари лоқайд ва сўник бўлиб қолади. Эҳтиросдан, юракни тўлқинлантирувчи ҳароратдан маҳрум ҳар қандай назм намунаси ҳам шеъриятга алоқаси йўқ сўз тизмасидир.

Баҳор ҳайрон жамолингга,
Қарар ҳамма камолингга,
Етишсам бир хаёлингга
Тасаддуқ бўлмасам бўлмас.

Кўриб турибсизки, оҳангдош сўзлар қаторасига териб ташланган. Аммо у бадиийликдан маҳрум, сатрлар мантиқан бир-бирини тўлдирмайди. «Етишсам бир хаёлингга?» деган гапни қандоқ тушуниш мумкин? Бу тўртлик деновлик М. Ҳайдаровнинг «Жамолинг соғиниб» номли «шеъри»дан олинган А. Сотқинов, И. Насриддинова, У. Наврўзова, Н. Баҳромова сингари ҳаваскорларнинг машқларида ҳам шу хил қусурлар кўзга ташланиб турибди.

Яна бир қисм шеърий машқлар шуни кўрсатиб турибдики, уларнинг авторлари ҳали поэзия, унинг қонун-қоидалари, шеърият олдига қўйилган талаблардан умуман хабардор эмаслар.

Мана бу сатрларга бир эътибор беринг:

Эрурсизлар халқи деҳқонни
марди,
Техника сиздаги қўлнинг
налиди.
(М. Аҳмадохунов).

Юқоридаги сатрларнинг шеърга қанақа алоқаси бор? Ҳаваскор нима демоқчи?

Кўриниб турибдики, бу «шеър» ларнинг авторлари ҳали тилимизни, унинг қоидаларини билмайдилар, хаёлларига келган гапларни «шеър» қилиб ёзиб ташлайдилар. Оқибатда пала-партиш сўзлар йиғиндиси вужудга келадики, буни ҳаваскорнинг ўзи ҳам изоҳлаб беролмаса керак. Б. О. Нишонов, Б. Омонов, К. Мустаев, Х. Тўхтаева, М. Узоқова, Н. Нурматов, Р. Очилов, Қ. Анорбоев, О. Қосимов, С. Жумақулов Х. Қосимов, Т. Ортиқов, С. Саидов, Н. Ражабов, Ш. Темиров, Т. Турғунов, Қ. Раҳмонов, С. Қамбаров, О. Масотирова, А. Бозоров, К. Раҳмонов, Ё. Усмонов ва бошқа бир неча ўнлаб ҳаваскорлар машқларини ўқиб чиқиб уларда ҳам худди ана шундай камчиликлар борлигини кўрдик.

Биз ҳаваскорларга шуни айтиб ўтмоқчимизки, «шеър ёзаман» деб қўлга қалам олиб қоғоз қоралайверган билан шеър бўлмайди. Улуғ сўз санъаткорларининг ҳар бири адабиётга узоқ тайёргарлик, яъни чуқур ва атрофлича билим олганларидан кейин кириб келганлиги ҳаммага маълум. Бу — меҳнат демакдир. Ижод машаққатларини четлаб ўтмоқчи бўлган ҳаваскор ниятига етиши маҳол.

Бир сўз билан айтганда, ўз олдига юксак мақсад қўйган ҳар бир ҳаваскор меҳнатсиз, ижодий изланишларсиз шеъриятда ўз сози, ўз йўлига эга бўлиши қийин. Бусиз унинг қалами остидан чиққан машқлар сўник ва эҳтироссиз сўзлар йиғиндиси бўлиб қолаверади.

«Мироновская — 808» буғдой нави Совет Иттифоқи ва чет элларда деҳқонларнинг таҳсинига сазовор бўлган. Мамлакатимиз деҳқонлари ижод этган буғдойнинг бу навидан Германия Демократик Республикасининг қишлоқ хўжалик кооперативлари ҳам мўл ҳосил етиштирдилар. Суратда: Германия Демократик Республикасининг Болтиқ бўйида жойлашган «Штрелазунд» кооперативида етиштирилган ҳосил.

Е. Шулепова фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

КИМ ҲАҚ?

Совхозимизда 140 ўринли болалар боғчаси биносининг қуриб битказилганига бир йил бўляпти. Лекин ҳанузгача у фойдаланишга топширилмаяпти. 25- қурилиш трестига қарашли 5. механизациялашган кўчма колонна қурувчилари «Бино қуриб битказилган, гап буюртмачининг қабул қилишида» деса, буюртмачи — «Қизилравот» совхози «Бино — чала» дейди. Оқибатда, қаровсиз ётган бино ишдан чиқяпти.

Хат текшириш учун Уйчи район ижроия комитетига юборилган эди. Район ижроия комитетининг редакцияга хабар қилишича, хатда кўрсатилган факт тасдиқланган. Камчиликлар тузатилиб, болалар боғчаси фойдаланишга топширилган.

ЯНКИ ЕВРОПАДА

ХАЛҚАРО ФЕЛЬЕТОН

◆ ◆

Мистер Уильям Макклоуд катта бир газетанинг спорт бўлими редакторлиги лавозимида сурункасига ўн бир йил ишлади. Сўнгра уни маданият бўлимининг редактори қилиб тайинлашди. У ярим йил давомида мамлакатнинг маданий ҳаёти билан тўла танишиб чиққандай бўлди. Бу эса ғоятда рекорд бир воқеа эди. Эҳтимол бунга унинг илгари яқин масофага югуриш бўйича яхшигина спортчи бўлганлиги қўл келгандир. Мистер Уильям Макклоуд маданият бўлими редактори сифатида айниқса асосий ролларни тўппончалар бажарувчи ваҳшиёна Ғарб фильмлари билан қизиқди. «Тўппонча — маданият кашшофи» номли ажойиб мақоласи босилиб чиққач, Уильям Макклоудни киндик қони тўкилган шаҳар маданий-тарихий жамиятининг фахрий аъзоси қилиб сайлашди. Газета ношири ҳам бунинг учун катта карам кўрсатиб, Макклоудни Европага командировкага юборди. Мистер Макклоуд саёҳатга йўл оларкан, нацистларнинг маданият сўзини эшитганларида тўппончани қинидан чиқариб туришлари ҳақидаги миш-миш гапларни эшитган эди.

Шунинг учун ҳам Макклоуд самолёт Европа қитъасига ўтиши биланоқ, ҳар эҳтимолга қарши тўппончасини қинидан чиқариб олди. Унинг икки ҳафталик саёҳати программасида қатор таниқли маданият арбоблари билан бир қанча суҳбатлар ўтказиш, итальян мафияси штаби, НАТОнинг ҳукумат саройи ва Муссолинининг мақбараси билан танишиш сингари мақсадлар бор эди. Кеча Мистер Макклоуд Хельсинкида пайдо бўлиб қолди ва маданият министрлигига ташриф буюрди.

— Мен министр билан кўришишни истар эдим, иложи борича тезроқ бўлсин, — деди у секретарга.

— Министр ҳозир ҳукумат мажлисидалар, — жавоб қилди секретарь.

— Мен уни кутаётганлигимни бориб айтинг.

— Ахир сира мумкин эмас, биз ҳукумат мажлисига ҳалақит бера олмаймиз. Яхшиси эрта билан келинг.

— Эртага бошқа ишларим бор. Ундай бўлса ўринбосарни чақиринг.

— У киши ҳам ҳукумат мажлисидалар. Жуда зарур бўлса идора бошлиғига учрашақолинг.

Меҳмон сигаретани ўчирди, бир зум ўйлаб сўнгра сўради.

— Маданият бобида бирор нарсани тушунармикин?

— Мен у кишидан бориб сўрайман, — жавоб берди секретар. — Исмингиз нима эди?

Мистер Макклоуд камзулининг киссасига қўл солди, визит қоғозини олиб уни секретарга узатди.

— Уильям Макклоуд маданият бўлимининг редактори, юз метрли масофани 10,2 секундда, 200 метрли тўсиқли масофани 23,9 секундда югуриб ўтган киши.

Секретарь таъзим бажо қилди ва бир неча дақиқадан сўнг қайтиб чиққач деди.

— Доктор Лантту ҳозир сизни қабул қиладилар. Марҳамат бу томонга юринг.

Собиқ спортчи, ҳозирда эса, маданият арбоби бўлмиш Макклоуд сигаретани полга ташлади. Аввал товони билан эзиб, сўнгра стол остига суриб қўйди.

— Сиз билан учрашганимдан ғоят мамнунман, жаноб Макклоуд, — деди идора бошлиғи унга қўл чўзар экан.

— Сиз идора бошлиғи Лантту бўласизми? — сўради меҳмон шубҳаланиброқ.

— Ҳа, Каллен Лантту, философия доктори, эстетика, адабиёт тарихи, социология ва педагогика бўйича мутахассисман. Марҳамат ўтиринг.

— Сиз чиндан ҳам доктормисиз?

— Албатта. Сиз шубҳаланяпсиз шекилли?

Меҳмон ўзини креслога ташлади ва жавоб қилди!

— Мен сиз—европаликларга унчалик ишонавермайман. Бундан бир хафта аввал Италияда Максим Горький деган рус ёзувчисини эшитган эдим, кеча билсам ўлиб кетган экан. Парижда Анатоль Франц деган одам ҳақида эшитиб қолдим. Фаҳмлашимча, бундай эстрада қўшиқчиси бўлмаганга ўхшайди...

— Биз европаликлар бир оз ҳазилкашликни яхши кўрамиз, — жавоб берди идора бошлиғи эҳтиром билан. — Сизнинг расмий хизматингиз бормиди, сизга қандай кўмак лозим?

Меҳмон сигаретани лабига қистирар экан жавоб қилди:

— Ҳа, сиз ёрдам беришингиз мумкин экан. Гугуртингиз борми? Зажигалкамнинг бензини тугаб қолибди.

Яхши тарбия кўрган доктор Лантту сигаретани тутатиб берди ва унга фин гугуртини совға қилди. Қуруқ сўздан кўра кичик бир совға баъзи одамларнинг қалбини эритиб юборади. Мистер Макклоуднинг ҳам арзимаган совғадан қалби бўшашиб, оғзининг таноби қочди.

— Менинг мақсадим Европа маданияти тўғрисида қатор мақолалар ёзишдир, лекин бунинг учун ғоятда ишончли далиллар лозим бўлади. Сиз айтиб бера олмайсизми, сизнинг мамлакатингизда Максим Горькийдан ҳам бошқа ёзувчилар борми?

— Горький фин ёзувчиси эмас, — жавоб берди доктор Лантту. — У улуғ рус классиги.

Мистер Макклоуд ёзув дафтарига қараб олгач кулиб деди.

— Ҳа, ҳа шундай. Ўтган куни мен унинг «Уруш ва тинчлик» фильмини кўрдим, фильмдаги баъзи саҳналар ёмон эмас.

— «Уруш ва тинчлик» Лев Толстой романи асосида ишланган фильм.

— Бундай одамни ҳеч қаерда эшитмаганман. Бу Муссолини ҳаёти тўғрисида ёзган одам эмасми? Ҳозир у Финляндияда эмиграцияда бўлса керак?

— Йўқ... Бунинг учун сиз қўшни мамлакатга боришингизга тўғри келади, сиз у ерда ишончли маълумотлар ва ўз мақолаларингиз учун қимматли материаллар оласиз.

— Аммо сира фурсат йўқ,— жавоб берди Макклоуд ва соатига қаради. — Мен немис ихтирочиси Леонардо да Винчи билан жон деб суҳбатлашган бўлардим. Мен унинг расм чиза олишини эшитгандим. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз, чиндан ҳам яхши рассом ҳисобланадими.

— Шубҳасиз. У моҳир рассом...

— Ундай бўлса, менинг ватанимга бориб кино юлдузларининг расмини чизиши лозим экан. Бунинг учун яна қайси рассомларни тавсия қила оласиз?

— Рембрандт, Рубенс ва Илья Репинни...

— Бўлади, бўлади! — тўхтатди мистер Макклоуд. — Мен мадонналар расмини чизган Уильям Шекспирга ўхшаган машҳур рассомларни назарда тутяпман. Сиз ҳар ҳолда уларни билсангиз керак?

— Биламан...

— Офарин! Сиз ҳам маданият борасида баъзи нарсаларни яхши тушунишингиз сезилиб турибди. Хўш, сиз Европа композиторлари тўғрисида бир-икки оғиз гапириб бера олмайсизми? Мен ҳам бир қатор Европа композиторларини биламан. Масалан, венгерларнинг Эмиль Золясини.. Хўш, дунёдаги энг моҳир опера ашулачиси Франк Синатрни.

— У опера қўшиқчиси эканми?

— Менимча шундай бўлса керак. Ахир, опера дегани охиста рақс тушиш-да?

— Эҳтимол... Мен танцага жуда кам бораман...

— Ундай бўлса сиз кўпроқ танцага қатнашинг. шунда сиз композиция санъати билан дурустроқ ошно бўласиз. Ҳа, айтгандай, Финляндияда композиторлар борми?

— Ҳа, бор, улар кўпчилик.

— Сурнайчиларчи?

— Улардан ҳам бор.

— Ундай бўлса мамлакат қандай қилиб қолоқ ҳисобланади? Мен саёҳатга чиқишимдан олдин финлар тўғрисида алоҳида айтиб ўтишганди. Газетамизнинг бош муҳаррири, финлар —бу монголлар, уларнинг маданияти жуда примитив, улардан бор-йўғи Максим Горький дегани чиқиб қолган, фильмларга тузукроқ сценарий ёзиб туради. — деган эди.

— Кечирасиз. мистер Макклоуд, яна сизнинг гапингизни бўламан. Максим Горький фин эмас, у улуғ рус ёзувчиси.

— Арзимаган тафовут бу, — аччиғлангандек бўлди меҳмон. — Россияда композиторлар борми?

— Ҳа. Чайковский, Римский —Корсаков, Глазунов..., Шостакович..., Хачатурян...

— Бўлди, бўлди, етади. Жуда ғалати, танилмаган кишилар экан. Булар эҳтимол бошловчи композиторлардир? Буларни мақоламда қайд қилсаммикин, сиз қандай маслаҳат берасиз?

— Албатта қўшинг... Уларни ҳамма ёқда билишади, бутун дунё танийди.

— Фақат менинг мамлакатимда билишмайди, бизда дунёнинг энг машҳур композиторлари йиғилган. Дюк Эллингтондан тортиб Барри Голдуотергача бизда. Уларнинг пластинкалари Парижнинг Қизил майдонида ҳам топилади.

— Кечирасиз, кечирасиз, жаноб Макклоуд. Қизил майдон Парижда эмас, у Москвада.

Мистер Макклоуд чўнтагига қўл суқиб тўппончасини чиқарди ва тепкисига бармоқ тираб титроқ овоз билан деди:

— Сиз менинг маълумотларимга шубҳа билан қараяпсизми ҳали?

— Йўқ, — жавоб берди ҳотиржамлик билан доктор Лантту. — Парижда. Бургабозор бор ва у ерда ҳар хил латтапуттадан тортиб, икир-чикирларгача сотилади.

— Қаранг-а, фарқи катта эмиш, — деди Макклоуд. — Айтгандай бургалар тўғрисида. Финляндияда бурга театрлари борми?

— Бор. Шу кунлардаги ёшлар узун соч қўйишиб олиб четдан келтиришяпти уларни.

— Қандай ажойиб, қандай ажойиб. — қичқирди мистер Макклоуд. — Мен ўз мақоламга қойил сарлавҳа топдим. — «Европа минитеатри».

Мистер Макклоуд шу заҳотиёқ соатига қаради ва ирғиб ўрнидан турди!

— Мен кетишим керак. Бир соатдан сўнг Копенгагенга йўл оламан .У ерда катта порнография фестивали ўтказилади. Кеча эшитувдим, у ерда қандайдир Бетховен дегани янги жаз ашулаларини ижро этармиш...

Макклоуд тезликда чиқиб кетди ва идора бошлиғи енгил нафас олгандай бўлди. У ўз иш столига ўтиришга улгурмаган ҳам эдики, эшик қарсиллаб очилди ва остонада яна ўша америкалик пайдо бўлди!

— Сиздан муҳим бир нарсани сўраш хотирамдан кўтарилибди, — деди у, — сиз юз метрга неча секундда боргансиз?

Мартн ЛАРНИ.
Хельсинки.
фин ёзувчиси. (АПН).

НОЗ-НЕЪМАТЛАР БАЙРАМИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ШТАТСИЗ МУХБИРИ М. БОБОХОНОВ МОСКВАДАН ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган якшанбада Ватанимиз пойтахтида ўзига хос байрам бўлиб ўтди. Серқуёш ўлкамиз ноз-неъматлари намойишига бағишланган бундай байрамни москваликлар биринчи марта ҳаяжон, қувонч ва шодлик билан кутиб олишди. Москва дарёси соҳилидаги Горький номли марказий маданият ва истироҳат боғи шу кун ажойиб манзара касб этди. Тантаналар кундузи соат 12 дан карнайларнинг наъралари, сурнайларнинг наволари билан бошланди. Қовун сайлига йўл олганлар дастлаб наманганлик боғбонларнинг эъзозлаб ўстирган анвои гулларидан тузилган гулдасталари атир таратиб турган кўргазмалари ёнидан ўтишди.

Гуллар майдонидан кейинроқда қуёшдан нур эмган қовунлар, тарвузлар кўз-кўз қилиб қўйилган. Бу ерда миришкор деҳқонларимизнинг довруғи кетган «Оқ пўчоқ», «Хўжакент», «Новвоти», «Мирзачўл» қовуни ва қулоч сиғмас тарвузларни кўришди. Бу меваларни сайилга Тошкент областининг «Москва», «Назарбек-2» совхози, Собир Раҳимов номли колхоз, Сурхондарё областининг «Ленин йўли» совхозидан, Фарғона областининг Охунбобоев районидаги «1 Май» колхозидан аввалаб келтиришган.

Сайилда намойиш этилган ширин-шакар мевалар ичида айниқса «Мирзачўл» қовуни пойтахтликларга кўпроқ маъқул бўлди. Шунингдек, сайил иштирокчилари каттагина ерда ташкил қилинган сунъий полизни ҳам келиб кўришди. Ноз-неъматлардан тузилган дастурхон ҳам жуда ёқиб тушди. Сабзавотлардан қирқилган гуллар, тарвуздан ясалган саватча кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Байрамда, шунингдек, республикамиз бадиий ҳаваскорларининг чиқишлари, Андижон маданият уйи дорбозларининг санъати москваликларни ҳайратда қолдирди. Сайилнинг энг кичик иштирокчиси тўрт ёшли дорбоз Рустамжон Қодировнинг ҳаракатлари айниқса эсда коларли. «Ўзбекистонни биласизми» шиори остида ўтказилган суҳбатлар, «Тўққизинчи беш йиллик одимлари» мавзуидаги кўргазма, шоирлар ва ёзувчиларимиз билан бўлган учрашувлар ҳам москваликлар эътиборини тортди. Москвада ўтказилган қовун сайили серқуёш ўлкамизга бўлган муҳаббатнинг ўзига хос рамзи бўлиб қолди.



ГДР. Сентябрнинг бошида Лейпцигда халқаро савдо ва илмий техника тажрибасини алмашиш соҳасида йирик воқеа — анъанавий кузги ярмарка очилади.

Совет ташқи савдо ташкилотлари кимё саноати машиналари ва ускуналари, энг янги медицина техникаси, автомобиллар, кенг истеъмол молларини намойиш қиладилар. Суратда: кўргазма эмблемаси ва СССР павильони биноси.

Е. Шулепов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ФУТБОЛ

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ТЎПЛАР

Муҳлисларнинг чеҳраси ёришиб қолди. «Пахтакор»нинг кетма-кет мағлубиятлари, жуда кам ютуғи ва сурункасига кичик ҳисобли дуранглари жонга тегканди. Редакцияга келаётган даста-даста хатларда муҳлислар футболимизнинг бугунги аҳволи ҳақида ачиниб ёзишарди.

Ниҳоят ғалабага эришилди. Командамизнинг Тбилиси динамочилари билан бўлган 5:1 ҳисобидаги ютуғидан кейин Бутуниттифоқ радиоси: «Бу турда муҳлислар ўртасида шов-шув кўтарган ўйин Тошкентда бўлди» дея эфирга хабар тарқатди. Шу ғалабамиз пахтакорчиларнинг агар астойдил ўйнасалар нималарга қодир эканликларини ёрқин кўрсатди. Бундай катта ҳисобли ғалабага пахтакорчилар пухта тайёрландилар. Команда раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари «Пахтакор»нинг аҳволини яхшилаш учун жиддий тадбирлар кўрганликлари кейинги ўйинда ҳам равшанлашди.

...Яна 13-минутда тўп киритилди. Бу «Пахтакор»нинг ўтган шанба куни Ростов армиячилари билан учрашувдаги биринчи завқли дақиқа. Абдураимов ошириб берган тўпни ярим ҳимоячимиз Цибин Бойченко дарвозасига киритди. Ўйиннинг биринчи қисмида ундан олдинги сафардаги сингари командамиз 1:0 ҳисобида устунлик қилди.

Пахтакорчилар ўйиннинг иккинчи қисмида ҳужумкорликни тағин ҳам оширдилар. Чемпионат жадвалининг охирги ўрнини эгаллаб турган Ростов армиячилари ҳисобни тенглаштиришга қанчалик ҳаракат қилмасинлар, «Пахтакор» устунликни қўлдан бермасликка интилди. Исоқовга нисбатан меҳмонлар қўполлик қилдилар. Судья Баликин жарима тўпи белгилади. Абдураимов жарима тўпини ҳаракатга келтирди. Уни Цибин давом эттириб Варюхинга етказди. Варюхин 76-минутда ҳисобни ўз командаси фойдасига 2:0 қилишга эришди. Шу билан бу сафарги ўйинда ярим ҳимоячилар алоҳида активлик кўрсатдилар ва Варюхиннинг ҳам рақиблар дарвозасига киритган тўпи иккитага етди.

«Пахтакор» жавобсиз икки тўп киритди. Бу муҳлисларнинг кўпдан буён орзиқиб кутаётган тўплари эди. Шанба кунги ўйиннинг бошқа завқли жиҳатлари ҳам бор. Бу учрашув «Пахтакор»нинг олий лигада қатнашаётганидан буёнги 360-ўйини ва 100-ғалабасидир.

Навбатдаги турда бошқа ўйинлар натижаси мана бундай бўлди: «Заря» — ЦСКА 2:1, «Динамо» (Мн) — «Арарат» 4:1, «Қайрат» — «Динамо» (Тб) 2:1, «Карпат» — «Зенит» 0:0, «Спартак» — «Нефтчи» 3:0, «Шахтёр» — «Торпедо» 1:0.

«Пахтакор» сафар тараддудида. Эндиги учрашув «Арарат» билан бўлади.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

СЕНТЯБРЬ ОБ-ҲАВОСИ

Бу йил куз яхши келди. Ҳаво очиқ, ёз фаслидек иссиқ. Фақат кечалари бироз салқин бўляпти. Об-ҳавонинг ойнинг охиригача шундай бўлиши кутилади. Ҳарорат республиканинг кўпчилик районларида 17—23 атрофида бўлади. Биринчи ўн-кунликда ва 23—27 сентябрь кунлари иссиқлик кечалари 14—19, кундузи 28—33, айрим жойларда 34—36, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида 17—21 сентябрь кунлари кечаси 4—9, қолган жойларда 7—13 даражага тушади. Республиканинг бошқа районларида кундузи 20—25, жанубда эса 25—30 даража атрофида бўлади.

Ойнинг охирига келиб бироз салқин тушади. Ҳарорат кечалари 4—9, Қорақалпоғистон АССРда 1—5 даража атрофида иссиқ бўлиб, қиров тушади.

Сентябрда асосан ҳавонинг очиқ бўлиб туриши, иккинчи ўн кунликда ва ойнинг охирида ёмғир ёғиши кутилади.

О. СПИРИДОНОВА,
Ўрта Осиё гидрометеорология маркази лабораториясининг катта инженери.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР — ЧЕТ ЭЛЛАРДА



ФИНЛЯНДИЯ. Раах шаҳридаги металлургия заводида Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган пўлат эритиш цехи тўхтовсиз пўлат қуйиш қурилмасининг ички кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

АРФ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЛОЙИҲАСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

ҚОҲИРА, 30 август. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси Министрлар кабинетининг президент А. Садат раислигида ўтган мажлиси Ливия, Сурия ва Бирлашган Араб Республикасидан иборат составдаги Араб Республикалари Федерацияси (АРФ) конституциясининг лойиҳасини маъқуллади.

МЕН агентлигининг хабар беришича, АРФ конституциясининг лойиҳаси БАР Араб Социалистик Иттифоқи Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган мажлисида ҳам маъқулланган.

ДАМАШҚ, 30 август. (ТАСС). Сурия Араб Республикасининг халқ кенгаши кеча бўлиб ўтган махсус мажлисида Сурия, Ливия ва Бирлашган Араб Республикасидан иборат составдаги Араб Республикалари Федерацияси конституциясининг лойиҳасини маъқуллади.

*

ЖАҲОН ЎТГАН ҲАФТА ИЧИДА

АҚШ: СИЁСИЙ МАҚСАДЛАР БИЛАН ҚИЛИНГАН ҚОТИЛЛИК

АМЕРИКАДА яна сиёсий жиноят қилинди. Бу жиноят бутун дунёда ҳаммани қаттиқ ғазаблантирди.

«Дастлаб уни орқасидан отганлар, лекин жочи чиқмаганлигини кўришиб, яқин масофадан пешанасига ўқ узганлар». Америка негрларининг ҳуқуқлари учун курашда ном чиқарган Жорж Жексондан ўч олинганлигини қотиллик содир бўлган Сан-Куэнтин турмасидаги маҳбуслардан бири шу тарихда тасвирлайди. Турмадаги маҳбуслардан 26 киши суд маъмурларига ариза топшириб. Жексон кўпданоқ тузиб қўйилган режага мувофиқ қасддан ўлдирилганлигини таъкидлайдилар.

Маъмурлар жиноятнинг изини яширишга уриниб, Сан-Куэнтинда рўй берган фожиа тўғрисида ҳар хил афсоналарни тўқиб чиқардилар Жумладан, Жексон «қочмоқчи бўлганида» ўлдирилди, деб даъво қиладилар. Аммо бу афсона фош қилинди ва дастлабки тергов вақтидаёқ рад этилди.

Жексон Қўшма Штатларда эзилган ва асоратга солинган негр аҳолисининг бутун азоб, уқубатларини умрининг охиригача бошидан кечирди. У умрининг охиригача ўн бир йил турмада ётди. Жексон бу ерда Америкадаги қора танли 25 миллион негрнинг оғир қисматини тасвирловчи китоб ёзди. Реакция ўзига душман бўлган ва гражданлик ҳуқуқлари учун курашган Жексондан қасос олишга қарор берди. Уни турма соқчисини ўлдиришда айбладилар. Аммо у соқчини ўлдиришда қатнашмаган эди. Жексон судда айбсиз эканлигини исбот қилмоқчи эди .Иркчилар фош бўлишларидан қўрқиб ва судда сиёсий маҳбуслар учун очилган турмалардаги мудҳиш тартиблар ҳаммага аён бўлишидан хавфсираб, негрлар ҳаракати раҳбарларидан бирини тезроқ ўлдиришга аҳд қилдилар.

Жексонни Сан-Куэнтин турмасининг ходимлари ўлдиришди. Аммо Америкадаги иркчилик — асосий жиноятчидир. Анжэла Дэвис айтганидек, «АҚШдаги мавжуд система» асосий жиноятчидир. Мартин Лютер Кингни, «қора қоплонлар» раҳбари Фред Хэмптонни ўлдирган кишилар, Огаста намойишларида қатнашган негрларни отган, Алабамадаги негрлар ибодатхонасини портлатган кишилар, ниҳоят, янги жиноят қилиш, яъни иркчиликка қарши бошқа бир жасур курашчи Анжела Дэвиснинг ёстиғини қуритиш ниятида бўлган кишилар Жексонни қатл этдилар. АҚШ Компартиясининг Бош секретари Гэс Холл яқинда ўтказилган матбуот конференциясида айтганидек, Анжела Дэвиснинг ҳаёти жиддий хавф остида қолди.

Сан-Куэнтин турмасида отилган ўқларнинг акссадоси бутун Американи ларзага келтирди. Жексондан қасос олинганлиги мулкдорлар ҳокимияти ўзининг репрессия аппаратини капиталистик системага қарши чиқаётган ҳамма кишиларни мажақлаб ташлашга сафарбар қилаётганлигини яна бир марта тасдиқлади.

САЙЛОВ АРАФАСИДАГИ НАЙРАНГЛАР

ШУ КУНЛАРДА Сайгонда Америка — Сайгон режими сайлов олдидан ишлатаётган найранг билан боғланган қизиқ воқеалар рўй бермоқда. 29 август якшанба куни Жанубий Вьетнамда «Миллат мажлиси»нинг қуйи палатасига «сайлов» ўтказилди, Октябрь ойининг бошларида эса «президент сайлови»ни ўтказиш мўлжалланган.

Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати, жумладан Жанубий Вьетнамда кенг миллий бирлик ҳукумати тузишни ва эркин сайлов ўтказишни таклиф этган эди. Янгидан тузиладиган ҳукумат составига Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг вакиллари ҳам ва Сайгон маъмурларининг тинчлик ҳамда бетарафликни ёқлаб чиқадиган вакиллари ҳам киришлари мумкин, деб изоҳ берилган эди. Ватанпарвар кучлар Америка интервенциясини кенгайтириш, «ғалаба қозонгунча» уруш қилиш тарафдори бўлган қўғирчоқ президенти Тхиеуни ҳокимиятдан четлаштириш тўғрисидаги талабни бундай ҳукуматни вужудга келтириш шартларидан бири қилиб илгари сурдилар. Муваққат революцион ҳукуматнинг тинчлик йўлидаги ана шу янги ташаббуси Жанубий Вьетнам аҳолиси ўртасида кенг маъқулланганлигини эътиборга олганда, ана шу янги сиёсий найрангнинг мақсади аён бўлиб қолади.

Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг таклифлари Вьетнам можаросини тинч бартараф қилиш учун реал имкониятлар очиб беради. АҚШ ва унинг Сайгон қўғирчоқлари бу таклифларга ижобий жавоб бериш ўрнига Жанубий Вьетнам аҳолиси гўё Тхиеуни «кенг қўллаб-қувватлаётганлиги»ни бутун дунёга намойиш қилмоқ учун сайлов найранги ишлатдилар. Америка оккупация қилиб турган, қонхўр ҳарбий-полиция диктатураси ҳукм сураётган ва сайловлар сурбетларча сохталаштирилаётган бир шароитда Тхиеу ва унинг қўл остидаги одамларнинг орзу қилинган миқдордаги овозни «олишлари» эҳтимолдан узоқ эмас. Аммо сайлов олди кампаниясининг бутун бориши Жанубий Вьетнам аҳолиси Америка малайларига нафрат ва душманлик туйғулари билан қараётганлигини яққол кўрсатиб берди.

Сайгонда ва Жанубий Вьетнамнинг бошқа шаҳарларида «фирибгарлик билан ўтказиладиган сайловга қарши халқ комитетлари» тузилди. Ҳамма жойда варақалар тарқатилмоқда. Бу варақаларда полиция террорига доир фактлар тўғрисида хабар берилади ва АҚШ буйруғига мувофиқ халққа қарши сиёсат ўтказаётган хоинларни ёқлаб овоз бермасликка даъват этилади.

Шу нарса диққатга сазоворки, қўғирчоқ режим ҳукуматининг аъзолари ҳам Тхиеуга қарши чиқмоқдалар. «Тхой Дай Мой» газетасининг бош редактори Нгуен Киен Зианг, Банметхуот вилоят кенгашининг бошлиғи ва «Миллат мажлиси» депутатлигига кўрсатилган бошқа кўп номзодлар сайлов лўттибозлигига қарши норозилик билдириб, ўз номзодларини қайтариб олдилар. Истеъфодаги генерал Зионг ва Н Минь ва «вице-президент» Нгуен Као Ки «президент сайлови»да қатнашишдан воз кечдилар. Тхиеунинг разил найранглари уларнинг ўз номзодларини кўрсатишдан воз кечишларига сабаб бўлди.

Жанубий Вьетнамнинг кўп шаҳарларида митинг ва намойишлар ўтказилмоқда. Бу митинг ва намойишларнинг қатнашчилари АҚШ агрессив урушни тўхтатсин, Тхиеу бошчилигидаги чирик Сайгон режимини қўллаб-қувватлашдан воз кечсин ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг тинчлик мақсадларини кўзда тутган таклифларига жиддий жавоб берсин, деб қатъий талаб этмоқдалар.

ХОИНЛИК ЙЎЛИДАН

МАЛАВИ президенти Хестингс Банданинг Жанубий Африка Республикасига қилган сафари тамом бўлди. Иоганнесбург радиоси ана шу сафар арафасидаёқ Малави президенти Африкадаги бошқа мамлакатларнинг раҳбарларига Жанубий Африка Республикасига бошлаб борадиган йўлни кўрсатиб берувчи «биринчи кашшоф» бўлиши мумкин, деган дабдабали гапларни айтган эди. Шу сабабли радио оқ танли аҳолига мурожаат қилиб, Бандани «самимий кутиб олиш»га даъват этди.

Дарҳақиқат, ана шу «кашшоф» Жанубий Африка Республикасига келган пайтда уни зўр дабдаба билан кутиб олдилар. Иркчилар бош министри Форстернинг ўзи ва Жанубий Африка Республикасининг министрлари унинг билан бир стол атрофида ўтириб, қўл қисишиб кўришдилар. Юзаки қараганда Апартеид ижодкорлари бутунлай ўзгариб кетгандек. Банда эса иркчиларни ишонтириш, алоқа боғлаш ва учрашиш йўли билан, яъни ўзи жонкуяр ҳимоячиси бўлган «мулоқат» сиёсати ёрдами билан иркчиларни «қайтадан тарбиялаш»дан иборат ўз мақсадига эришгандек туюлар эди.

Аммо фактлар бунинг тамомила аксини кўрсатиб турибди. Банда Жанубий Африка Республикасининг шаҳарларига бориб, «мулоқат» йўли африкаликлар учун тўғри ва фойдали йўл эканлиги тўғрисида гап сотиб турган кунларда «Ранд Дейли Мейл» газетаси Жанубий Африка иркий муносабатлар институтининг директори Ван-Викнинг баёнотини босиб чиқарди. Жанубий Африка Республикаси ташкил этилгандан буён ўтган дастлабки ўн йил ичида, дейилади бу баёнотда, унинг фақат оқ танли депутатлардан иборат бўлган парламенти 98 қонун қабул қилди. Бу қонунлар мамлакатдаги туб жой Африка аҳолисини камситиш ва ерга уриш кўзда тутади. Бу қонунларни таҳлил этиш, деб таъкидлайди Ван-Вик, уларнинг ҳаммаси «иркий тафовутлар принципига асосланганлигини ва уларнинг мақсади — ана шу тафовутларни мангу сақлаб қолишдан иборат эканлигини» кўрсатади.

Бу факт Жанубий Африка Республикасининг ҳукмдорлари инсониятга душманликдан иборат апартеид сиёсатидан бир қадам ҳам орқага чекиниш ниятида эмаслигини яна бир марта исботлайди. Модомики шундай экан, уларнинг Бандани таклиф этишлари ва найранг ишлатишларининг нима ҳожати бор эди? Бу саволга бериладиган жавоб аниқ ва равшан: Жанубий Африкадаги иркчилар ҳар қандай фирибгарлик ишлатиш йўли билан Африкадаги баъзи мамлакатларнинг раҳбарларини ўз томонига ўтказиб олишга уриниб. Африкада иркчилик ва апартеидга қарши курашаётган мустақил давлатларнинг бирлик фронтини бузишга интилмоқдалар. Форстернинг ўзи яқинда сўзлаган нутқларидан бирида ўзи ўтказиб келаётган «мулоқат» сиёсатидан кузатилган мақсад — «оқ танлиларнинг ҳукмронлигини сақлаб қолишдан» иборат деб очиқдан-очиқ тан олганлиги бежиз эмас.

Африкадаги мустақил мамлакатлар раҳбарларининг кўпчилиги иркчиларнинг «дўстлиги» билан уларнинг Африка давлатларига иқтисодий ва молиявий ёрдам бериш тўғрисидаги ваъдалари замирида нималар яшириниб ётганлигини тез пайқаб олди ва «мулоқат» сиёсатини рад этди. Иркчиларнинг ана шу тузоғига маҳлиё бўлган Банда ҳозирги пайтда хун тўламоқда: Африка бирлиги ташкилотининг манфаатларига, Африка халқларининг манфаатларига хиёнат қилмоқда. Шу сабабли қитъадаги газеталарнинг кўпчилиги Банданинг Жанубий Африка Республикасига қилган сафари «Жанубий Африка халқлари озодлиги ишига хиёнат» деб, «Африкадаги мустақил давлатларнинг манфаатларига хиёнат» деб ҳисоблаётганлиги тасодифий бир ҳол эмас.

О. АНИЧКИН, С. АФОНИН, В. СНЕГОВСКИЙ (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
1, 2. сентябрда

ЁШ ИЖРОЧИЛАР ГУЛШАНИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Камолиддин РАҲИМОВ (Наманган), Ҳалима ҲОЛБОБОЕВА (Марғилон), Дилором ҚАЮМОВА, Тельман ҲАСАНОВ, Толибжон МУЛЛАЖОНОВ, Назира ШЕРАЛИЕВА, Ҳалимжон ЖУРАЕВ, Роза ҚАҚУРИЕВА, Аҳмаджон ШУКУРОВ, Азим АЗИЗОВ, Дилафруз ЖАББОРОВА, Абдуқодир МУМИНОВ.

УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Программани Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»
Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
4, 5 сентябрда
ФАРҒОНА ВОДИЙСИ БУЙЛАБ
ТАБАССУМ САЙИЛИ
ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — Олмахон ҲАЙИТОВА, Тўхтахон РИСМЕТОВА.

Солистлар — Фахриддин УМАРОВ, Ҳасан ЙУЛДОШЕВ, Одилжон ОХУНЖОНОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Иброҳимжон ИСХОҚОВ, Дилафруз ЖАББОРОВА, Роза ҚАКУРИЕВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Саида ТОЛИБХУНОВА, ИЖРОҚУМБУВА, Ғоибота ТОШМАТОВ, Мамарозиқ ИСХОҚОВ, Зайнобиддин ЮСУПОВ, Йулдошхон НОСИРОВ, Мадамин ЮСУПОВ, Неъматжон ТОШМАТОВ ва бошқалар.

УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Программани Ўзбекистон ССР халқ артисти Амин ТУРДИЕВ ва Ғулом ТОЖИ-АЪЛОЕВ олиб борадилар.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА, 19.00 — ТОШКЕНТ, 19.05 — Хайр боғчажон (ўзбек тилида). Рус тилида: 19.35 — Ахборот, 19.50 — Совет милицияси қонун ҳимоячиси, 20.10 — Студия меҳмонлари. Ўзбек тилида: 20.50 — Янги ўқув йилингиз билан, 21.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари университети, 22.00 — Шеърият муҳлисларига, 22.20 — Ахборот, 22.35 — 30 ёшга тўлган кун (бадиий фильм). 24.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ, Рус тилида: 18.00 — Мультфильм, 18.10 «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида, 19.00 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ. Ўзбек тилида: Мультфильм, 19.10 — Врач маслаҳати. Рус тилида: 19.20 — Ҳужжатли фильм, 19.40 — Ольга Воронец куйлайди, 20.20 — Осмон калити (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШҚИ БИНОДА

Ҳаёлпараст изқувар — «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Рюбецал сари йўл — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (жуфт соатларда).

Ҳалокат қалъаси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз соат 3, кеч соат 8.45 минут, ва 10 яримда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч соат 6, 8 да).

Тасодифий муҳаббат — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Музланган (эрталаб соат 11, кундуз 1, ва 3 да), Музика садолари (кундуз соат 5 ярим, ва кеч соат 8 яримда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Тош ва гул (2 серия, кундуз соат 12, ва 3 да), Қора Лола (кундуз соат 5 ярим, кеч соат 7 ва 8.45 минутда) — «КЎКЧА».

Етти оға-ини Червинлар (эрталаб соат 11 ярим, кундуз соат 3 ярим, 5 ярим ва кеч соат 7 яримда), Яшасин севги! (кундуз соат 1.20 минут ва кеч соат 9.20 минутда — «МОСКВА».

Қашмирдаги севги — «ҲАМЗА».

Шер ҳамлага ҳозирланмоқда — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч соат 9.15 минутда).

Ёввойи қизлб — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, 5 ва кеч соат 7 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Ҳаёлпараст изқувар — «ХИВА», НАВОИЙ номли.

Грек Зорба — «РАКЕТА».

Тасодифий муҳаббат — ТЕЛЬМАН номли.

Етти оға-ини Червинлар — «ФЕСТИВАЛЬ».

ОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон республикаси бўйича 1971 йилда ов қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

ғозлар учун 16 октябрдан 19 декабргача, ўрдаклар ва сувда сузувчи ҳамда чўл қушлари учун 18 сентябрдан 19 декабргача,

чўққалар, эчкилар (тоғ такалари) ва айиқлар учун рухсатнома бўйича 15 сентябрдан 15 декабргача, бўрсиқ ва жайраларга шу муддатлар бўйича ленин рухсатномасиз;

Мўйнали ҳайвонлар учун 1 ноябрдан 1972 йил — 1 февралгача бедана, каптар ва мусичалар учун 25 августдан 25 ноябргача.

Каклик ва қирғовулларга эса ов қилиш учун Ўрмончилик Давлат комитетининг махсус рухсатномаси бўлиши керак.

Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар союзи.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333253. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.